



МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ

32 (40) 2009 йил 12 август, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси


www.milliytiklanish.uz
e-mail: milliyt@sarkor.uz



Фракция йиғилиши

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия кўмитаси девони ходимлари ва ОАВ вакиллари иштирок эттишди.


→ 2-бет



Истиқлол — инсон тақдирида акс этмоқда

Юртимизда байрам шуқуқи кезиб юрибди. Халқимизнинг миллий ифтихори ва ғурурига айланган истиқлол байрами миллатнинг ўзлиги, қадриятларини, миллий анъаналарини ўзида мужассам этганлиги билан ҳам эътиборли.

→ 4-бет



Ирқчилик ва миллатчиликка қарши

Кўп миллатли давлат - Ўзбекистонда ўзбеклар билан бир қаторда ўз маданияти ва анъаналарига эга бўлган 130 дан ортиқ турли миллат ва элат вакиллари аҳил ва иноқ истиқомат қилмоқда.

→ 7-бет

МТ

БУГУНГИ СОНДА:

ПАРТИЯ ҲАЁТИ	2-бет
Мақсадлар муштараклиги — ютуқлар омили	
Мустақиллик — улугъ неъмат	
ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА	3-бет
Миллий қонунчилик — тараққиёт гарови	
Истиқлол берган имкониятлар	
ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ҲАЁТ	4-бет
Парламент муҳолифати	
Сайлов қонунчилиги	
МАЪНАВИЯТ	5-бет
Тадбирлар таъсирчанлигини ошириш, уни шакл ва мазмунан бойитиш	
Буюк келажакни ўзимиз яратамиз	
МИЛЛИЙ ДАСТУР — МИЛЛАТ ҚАНОТИ	6-бет
Жаҳонга юз туган мактаб	
ХАЛҚАРО ҲАЁТ	7-бет
Тадқиқотлар	
Дунёдан дараклар	
НИГОҲ	8-бет
«Косонсой»га бир келиб кетинг	
Муносиб тухфа	
Турфа олам	

МАЪНАВИЯТ

Тадбирлар таъсирчанлигини ошириш, уни шакл ва мазмунан бойитиш

маънавият тарғиботчилари олдида турган муҳим вазифага айланмоқда

Пойтахтимизда «Мустақиллик - биз учун энг улугъ, энг азиз қадрият» мавзuida илмий-амалий семинар ўтказилди. Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан ташкил этилган тадбирда Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2009 йил 19 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қароридан белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда маънавият тарғиботчиларининг ўрни ва роли, бу борада олиб борилаётган ишларнинг аҳамияти ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишлаб шу кунгача ташкил этилаётган маънавий-маърифий тарғибот ишларини янада кучайтириш, таъсирчанлигини ошириш масалалари атрофлича муҳокама этилди.



Унда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази ва унинг ҳудудий бўлиmlари ходимлари, Миллий гоё ва мафкура илмий-амалий маркази, «Маҳалла» жамғармаси ва барча вазирлик ва ташкилотларнинг маънавий-маърифий ишларга масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимиз қутлугъ ва кўшалок байрам оstonасида,

бир-бирига уланаётган шодиёналар - Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини кенг миқёсда нишонлаш арафасида турибди. Барчамиз учун энг азиз бўлган истиқлол байрами арафасида ўтган давр мобайлида босиб ўтилган мустақил тараққиёт йўлига яна бир бор назар ташлаб, амалга оширилган ишлар, кўлга киритилган улкан натижаларни баҳолаш, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш

ниҳоятда муҳимдир. - Айни бугунги йиғинимиз ҳам мазкур йўналишларда олиб борилаётган тарғибот ишлари муҳокама қилиш, бу борадаги вазифаларни янги шакл ва мазмунлар билан бойитиш ва амалий тавсиялар асосида келгусидаги ишларни жадаллаштиришдан иборат, - дейди тадбирни бошқарган Маънавият тарғибот маркази раҳбари Минҳожиддин Ҳожиматов.

(Давоми 5-бетда)

АРАФА

Буюк келажакни ўзимиз яратамиз

Сарвар АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати

Мустақиллик — Юртбошимиз таъбири билан айтганда «энг улугъ ва энг азиз байрамимиз»дир. Шунинг учун ҳам у ҳар йили ўзига хоё ва тантанали тарзда нишонланади. Бу кун мамлакатимиз фуқароси бўлган ёшу қарининг қалбидан ғурур, ифтихор туйғуларини оширади, келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлайди.

(Давоми 5-бетда)

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия кўмитаси девони ходимлари ва ОАВ вакиллари иштирок эттишди. Йиғилиши Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, фракция раҳбари Х.Дўстмухамедов олиб борди.

Фракция йиғилиши

Фракция йиғилишида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси йиғилиши муҳокамасига киритилиши назарда тутилган қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда сўнги ўн йилликда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга ошириб келинаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида бу соҳа қайта ташкил қилинди. Собиқ ширкат ва давлат хўжаликлари ўрнига фермер ва деҳқон хўжаликлари, хусусий мулкчиликка асосланган янги турдаги қишлоқ хўжалиги корхоналари вужудга келди. Улардаги ҳуқуқий, ишлаб чиқариш ва меҳнат муносабатларини чинкама бозор шароитига мослаштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бирига айланди.

(Давоми 2-бетда)

НУҚТАИ НАЗАР

Парламент муҳолифати

жамиятни демократлаштиришнинг бош мезони!

Эркин ЮСУПОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати, ЎзМТДП фракцияси аъзоси


Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан қонун ташаббускорлиги ҳуқуқидан фойдаланилган ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳасини халқ ўртасида тушунириш ва тарғибот-ташвиқот қилиш мақсадида жойлардаги сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувларнинг бирида нуруний отахонлардан бири «Депутат болам, «Парламент муҳолифати» деган гапларни телевизорда ҳам, радиода ҳам жуда кўп эшитаямиз, унинг ўзи, маъноси нима» деб савол бериб қолдилар.

(Давоми 4-бетда)

ЎЗМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

ЖАРАЁН

Айни кунларда бутун халқимиз энг улуғ ва азиз байрамимиз — Мустақиллик кунига катта тайёргарлик кўрмоқда. Истиқлол байрами арафасида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси томонидан ўтган давр мобайнида мамлакатимизда фуқаролик жамияти барпо этиши ва инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш мақсадида турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.



«Ёшлар қаноти» фаоллари

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ХРОНИКАСИ

Истиқлол берган имкониятлар

тадбирларда бош мавзу бўлди

Сарвар ХУРРАМОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

ЎЗМТДП Ангор туман кенгаши, “Ёшлар қаноти”, туман “Камолот” ЁИХ, маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамда “Маҳалла” жамғармаси ҳамкорлигида “Камолот” ёшлар билан” мавзусида тадбир ўтказилди.

Тадбирни “Камолот” ЁИХ туман кенгаши раиси А.Валиханов ҳамда ЎЗМТДП туман кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Г.Ахмедова кириш сўзи билан очар экан, мустақиллигимизнинг 18 йиллиги муносабати билан ташкил этилган ушбу тадбирнинг мақсади ҳақида тўхталдилар. Шундан сўнг тумандаги иқтидорли ва истеъдодли ёшлар ўз ижод намуналарини йиғилганларга намойиш этишди. Айниқса, “Орзу” дастасининг чиқишлари барчада катта таассурот қолдирди. Тадбир сўнггида фаол иштирок этган ёшларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари ва фахрий ёрликлар топширилди.

Шунингдек, ЎЗМТДП Музработ туман кенгаши “Янгиобод” ҚФЙ билан ҳамкорликда ўтказган “Сайлов — мамлакатимизда яшовчи фуқароларни ижтимоий ҳаётини янада демократлаштириш омилига айланади” мавзусидаги давра суҳбати ҳам таассуротларга бой бўлди. Тадбирни ЎЗМТДП туман кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Б.Рахмонов очиб, мавзу юзасидан маъруза қилди. Нотиқлар жорий йилнинг декабрь ойида ўтказилган сайлов жараёнига алоҳида тўхталиб, жумладан, номзодларнинг масъулияти, сайлов тўғрисидаги қонунлар ва номзодларнинг ишончли ҳамда ваколатли вакилларига қўйилган талаблар хусусида кераклича маълумотлар бердилар. Давра суҳбати давомида иштирокчиларни қизиқтирган барча саволларга мутахассислар томонидан атрофлича жавоблар берилди. Шундан сўнг “Янгиобод” ҚФЙ раиси С.Худойкулов ва маҳалла фаолларидан Т.Нурматов, О.Абдураҳмонова сўзга чиқиб, мамлакатимиздаги мавжуд сайлов тизими тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.

ЎЗМТДП Гурлан туман кенгаши томонидан тумандаги 4-сон мактабга таълим муассасасида “Йодланган ош тузи-саломатлик гарови” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда туман ХТБ МТМ услубчиси О.Эшметов, ЎЗМТДП туман кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари М.Аллаберганова сўзга чиқиб, аҳолини йодланган ош тузи билан таъминлаш ва йод танқислигини камайтириш юзасидан жойларда олиб борилаётган амалий чора-тадбирлар ҳақида маълумотлар бериб ўтдилар.

“Ўзбекистон — менинг Ватаним” мавзусида истиқлолимизнинг 18 йиллигига бағишлаб ўтказилган ЎЗМТДП, “Камолот” ЁИХ Шўрчи туман кенгаши ва “Наврўз” МФЙ ҳамкорлигидаги давра суҳбатида — партия аъзолари, маҳалла фаоллари ва яна бир гуруҳ ёшлар иштирок этди.

Давра суҳбатини ЎЗМТДП туман кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Ф.Ҳамидов очар экан, мустақиллик йилларида, айниқса, ёшларнинг билим ва касб-хунар эгаллашлари учун яратилган шарт-шароитлар мамлакатимизни ҳар томонлама тараққий этишида муҳим омили бўлиб хизмат қилишини таъкидлади.

Тадбир очки мулоқот ва савол-жавоб тарзида бўлиб ўтди.

ЎЗМТДП Арнасой туман кенгаши томонидан Гафур Фулом номи МФЙ билан ҳамкорликда “Вояга етмаган ёшлар ўртасида маънавий ва маърифий ишлар тарғиботи” мавзусида ўтказилган тадбир кўпчиликнинг эътиборига сазовор бўлди. Унда партия аъзолари, маҳалла фаоллари, туман ички ишлар бўлими ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари иштирок этди.

Тадбирни ЎЗМТДП туман кенгаши Ижроия кўмитаси раиси М.Нарзуллаев кириш сўзи билан очиб, жумладан шундай деди: — Ёшларни миллий руҳда тарбиялаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳуусан, ЎЗМТДП олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Шундан сўнг, туман вояга етмаган ёшлар комиссияси раиси ў.Ражабов сўзга чиқиб, ёшлар онгига салбий таъсир қилувчи турли таҳдидлар ва уларни ҳимоялаш борасида фикр юритди. Тадбир баҳс-мунозарарага бой бўлди.

“Агар мен депутат бўлсам” мавзусида ЎЗМТДП Фаргона туман кенгаши томонидан “Ёшлар қаноти” етакчилари, “Камолот” ЁИХ туман кенгаши, Республика Маънавий тарғибот маркази туман бўлими ҳамда “Маҳалла” жамғармаси вакиллари иштирокида давра суҳбати ўтказилди.

Унда ЎЗМТДП Фаргона вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Ф.Негматов кун тартибидagi масала юзасидан маъруза қилдилар.

Давра суҳбатида сиёсий партиялар фаолияти ва уларнинг жамият ҳаётида тугган ўрни борасида бир қатор саволлар берилиб, баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгаши томонидан истиқлолимизнинг 18 йиллиги ҳамда “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”га бағишлаб бир қатор тадбирлар, давра суҳбатлари, ўқув-семинарлари ўтказиб келинмоқда.

Жумладан, Шахрисабз туманидаги “Агроранот” коллежида бўлиб ўтган тадбирда вилоят хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари бoshқармаси, ФЖУИ вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Тадбирни ЎЗМТДП вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси раиси О.Очилова кириш сўзи билан очиб, жумладан жорий йил охирида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш, бу борада ЎЗМТДП вилоят кенгаши томонидан олиб борилаётган ишлар юзасидан фикр юритди.

Шундан сўнг сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари М.Қориева, С.Ахмедова сайловларга оид қабул қилинган янги қонунлар, сайлов жараёнида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтдилар. Шунингдек, тадбирда “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам эътибордан четда қолмади. Кун тартибидagi ЎЗМТДП вилоят кенгаши “Аёллар қаноти” ҳамда “Тадбиркор аёл” уюшмаси ҳамкорлигида олиб борилаётган ишлар юзасидан вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати, ЎЗМТДП Марказий Кенгаши аъзоси И.Каримова ҳисобот берди.

Тадбирда иштирокчилар томонидан сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини оширишга доир билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифларга алоҳида эътибор қаратилди.

Миллий қонунчилик — тараққиёт гарови

Илья ДИЛЬМАНОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

Нукусда “Мустақиллик даврида қонунчилик базасининг яратилганлиги тараққиётимизнинг ҳуқуқий пойдевори” мавзусида бўлиб ўтган анжуманда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутат Улуғбек Жалменов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрқор Кенгеси фракцияси аъзолари Бердах Жарекеев, Парахат Палимов, Кенжабой Худойберганов, туман ва шаҳар кенгашлари котиблари, партиянинг шаҳар кенгаши “Ёшлар қаноти”, “Аёллар қаноти” фаоллари, “Камолот” ЁИХ Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар. Тадбирни ЎЗМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Ижроия кўмитаси раисининг мафкуравий ишлар бўлими раиси Кенесбой Реймов олиб борди.

Тадбирда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Улуғбек Жалменов истиқлолимизнинг ўтган 18 йилли давомида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида амалга оширилган

ишлар ҳақида атрофлича тўхталиб, бу борада Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг тугган йўли ва йўналишини белгилаб берадиган восита — бу Қонун. Мамлакатимизда икки палатали парламентнинг вужудга келиши қабул қилинаётган қонунларимизнинг жадал суръатлар билан ривожланаётгани, жамиятимиз тараққиётга юз тутиб, ҳаётимиз фаровонлашадигани бундан 18 йил муқаддам Президентимиз бошчилигида Ўзбекистон халқи танлаган Ўзига хос миллий тараққиёт йўли нечоғли тўғри ва ҳаётийлигини бугунги кунимиз кўрсатиб турибди.

Бошқача айтганда, мустақиллик йилларида кўлга киритилган ютуқларимизни аввалги йиллар билан қиёсласак, ер билан осмончалик фарқ борлигини англаш қийин бўлмаса керак. Биз ким эдигу; ҳозир ким бўлдик, деган саволга мустақиллик йилларидаги жамиятимиз тараққиёти мисолида жавоб беришимиз мумкин. Аввало шуни айтиш керакки, биз серқўш Ўзбекистонимизда ҳукм сурётган тинчлик ва барқарорликни қадрига етиб, ҳар кунимизга шукрона келтириб яшашимиз лозимлигини унутмаслигимиз керак. Бунинг учун узоққа бориб ўтирмай, қўшни республикада содир бўлаётган нотинч вазиятлардан ҳам қўплаб

мисоллар келтириш мумкин. Иккинчидан, албатта ҳар бир давлатнинг ривожланиши кенг тарғиб қилиш, партиямиз тарафдорлари ва сайловчилар ишончини қозониш каби масалаларни ўз олдига қўйган долзарб вазифа деб ҳисоблайди ва уларни амалга ошириш йўлида бор қучи-имкониятини сафарбар қилади, — деди нотиқ. Шунингдек, анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси Конституциявий назорат кўмитаси раиси ўринбосари, ФЖУИ Қорақалпоғистон Республикаси минтақавий ахборот-таҳлил марказининг бош илмий ходими Хужабой Қабуловнинг “Ўзбекистонда парламент ислохотларининг Конституциявий асослари”, Қорақалпоқ Давлат университети юридик факультети ўқитувчиси Унгарбой Утегеновнинг “Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришда ижтимоий-экологик ташкилотларнинг тугган ўрни”, мазкур университет ўқитувчиси Света Аманиязованинг “Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигида инсон ҳуқуқлари қафолатларининг акс этиши” каби маърузаларида ҳам мустақиллик йилларида мамлакатимизда фуқаролик жамияти барпо этиш ва инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий соҳалардаги улкан яратувчанлик ва янгиланишлар, бунёд-

корлик ишларининг мазмун-моҳияти хусусида фикр юритилиб, бу муҳим вазифаларни бундан кейин ҳам такомиллаштиришда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини баён этдилар.

Музокарада сўзга чиққан “Эркин Қорақалпоғистон” ва “Вести Қарақалпоғистани” газетаси бош муҳаррири, ЎЗМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши аъзоси Кенесбой Каримов, партия кенгаши аъзоси Парахат Палимов, Хужайли ва Қонлиқўл туман кенгашлари Ижроия кўмиталари раислари Нурмухаммад Сапаев ва Мурод Тажетов ўтган давр мобайнида давлатимиз жаҳон миқёсида, халқаро муносабатларда, миллий иқтисодиётимизни юксалтиришдаги улкан тарихий йўлни босиб ўтганилиги, айниқса инсон манфаатлари устуворлигининг таъминланиши, жамиятнинг маънавий юксалиши ҳақида ўз фикрларини ҳаётий мисолларга таяниб тунтирдилар ва бу каби муҳим вазифаларни янада ислох қилишда партия ўз дастурий мақсад ва гоялари билан фаол иштирок этиши лозимлигини таъкидладилар.

Қизгин савол-жавоб ва баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтган семинар сўнггида, тинчланган маъруза ва чиқишлар юзасидан амалга оширилаётган вазифалар белгилаб олинди.

Бағишлайди. Зеро, маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан ЎЗМТДП вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси раиси девон раҳбари А.Мадаминов, Андиджон шаҳар кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Б.Зияев, Шахрихон туман кенгаши Ижроия кўмитаси раиси З.Ҳайдарова сўзга чиқиб, партия томонидан тарихий қадамжолар, миллий маънавиятни тиклашда амалга оширилаётган ишларга кенг тўхталдилар.

чексиз ҳурмат ётибди. Очилиш маросимининг тантанали қисмида меҳмонлар ва ёш ижодкорлар шоир Оразий ҳаёти ва ижодига кенг тўхталиб, ғазалларидан ўқидилар.

Унда сўзга чиққан Андиджон вилоят ҳокимлиги масъул ходими Машариф Юсупов йиғилганларни истиқлолимизнинг 18 йиллиги билан қўлаб, Оразий ҳаёти, унинг адабиётимизга қўшган ҳиссасига тўхталди.

Оразийшунос олима Ҳанифа Солихова шоир ҳақида қуйидагиларни гапирди:

— Оразий бир неча йил Шахрихон қозихонасида мирза вазифасида ишлаган. Унинг беш фарзанди бўлган, олтинчи фарзанд сифатида адабиётшунос олим Тўхтасин Жалоловни тарбиялаб вояга етказди. Оразий Фахри Розий мадади билан “Усули савтия” (“Янги услуб”) жадид мактабини, 1912 йилда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий билан ҳамкорликда “Саодат” кутубхонасини очган ва матбаа дўконларини ташкил этган.

Тадбирда ЎЗМТДП Андиджон вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси раиси К.Отахонов сўзга чиқиб жумладан шундай деди: — Оразий ҳаётини ўрганган ҳар бир келажак авлод унинг ибратли ҳаётиндан ўрнак олса ва шундай буюк сиёмолар авлоди эканлигиндан фахрланса арзийди. Унинг маънавий мероси халқимизга руҳий озиқ ва қувват

ОЛТИН МЕРОС

Эй дил мукаддар ўлма, қиш ўтди, баҳор ўлур,
Саҳро юзи бинафша билан долазор ўлур...
Роҳат-машаққат остидадур, ақл эрур гувоҳ,
Олтин, кумуш ҳам ўтга тушиб бегубор ўлур.
(Оразий)

К.АБДУВАЛИЕВА,
ЎЗМТДП Андиджон вилоят кенгаши
матбуот котиби

Оразий қаламига мансуб бу каби олтин мисраларни сиз халқ хофизлари Маъмуржон Узоқов, Фаттоҳжон Мамадалиев, Очилов Отахонов ва халқ артистлари Комилжон Отаниёзов, Муножот Йўлчиқовнинг соҳир овозларида тингласангиз. Қўшиққа айланган мисраларда миллийлигимизга хос бўлган эзгулик, меҳнатсеварлик, сабр —тоқат каби фазилатлар ифодаланган.

Яқинда Андиджон вилоят ҳокимлигининг Қарорига биноан, маърифатпарвар шоир Оразий таваллудининг 140 йиллигига бағишланган ёдгорлик музейининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Уй музейининг ташкил этилишида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Андиджон вилоят кенгаши аъзолари ҳам фаол қатнашдилар.

Ўзбек мумтоз адабиётининг таниқли вакили, маърифатпарвар ва тараққийпарвар шоир Алихон Мулла Охунд ўғли Оразий 1869 йилда Шахрихоннинг Қашқар маҳалласида, кулол оила-сида туғилган. Гурур ва фахримиз тимсоли бўлган етук ижодкор Оразий та-

валлудининг 140 йиллигига бағишланган ёдгорлик музейининг очилиш маросими муносабати билан пойтахтдан ташриф буюрган меҳмонлар, жумладан, Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Сирожиддин Саййид, шоир Азим Суюн, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси бош муҳаррири Аҳмадjon Мелибоев каби таниқли ижодкорлар шоир қабрини зиёрат қилиш билан бирга ёдгорлик музейига ташриф буюрдилар. Тадбир иштирокчилари Оразий ҳаёти ва ижодини акс эттирувчи суратлар ҳамда қизиқарли маълумотлар билан тўлдирилган ёдгорлик музейини томоша қилар эканлар, бу ерда таҳсинга сазовор ишлар амалга оширилганлигини таъкидлаб ўтдилар. Бунда, айниқса, “Ривож” хусусий корхонаси томонидан кўрсатилган ҳомийлик ёрдами алоҳида тилга олиш лозим.

Айтиш керакки, бундай ёдгорлик музейларининг ташкил этилиши замирида буюк аждодларимиз хотирасига бўлган

Оразий ёди

валлудининг 140 йиллигига бағишланган ёдгорлик музейининг очилиш маросими муносабати билан пойтахтдан ташриф буюрган меҳмонлар, жумладан, Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Сирожиддин Саййид, шоир Азим Суюн, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси бош муҳаррири Аҳмадjon Мелибоев каби таниқли ижодкорлар шоир қабрини зиёрат қилиш билан бирга ёдгорлик музейига ташриф буюрдилар. Тадбир иштирокчилари Оразий ҳаёти ва ижодини акс эттирувчи суратлар ҳамда қизиқарли маълумотлар билан тўлдирилган ёдгорлик музейини томоша қилар эканлар, бу ерда таҳсинга сазовор ишлар амалга оширилганлигини таъкидлаб ўтдилар. Бунда, айниқса, “Ривож” хусусий корхонаси томонидан кўрсатилган ҳомийлик ёрдами алоҳида тилга олиш лозим.

Айтиш керакки, бундай ёдгорлик музейларининг ташкил этилиши замирида буюк аждодларимиз хотирасига бўлган

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

НУҚТАИ НАЗАР

Парламент муҳолифати

жамиятни демократлаштиришнинг бош мезони!

(Давоми. Боши 1-бетда)

Конун лойиҳаларига берилган изоҳида келтирилган тушунтиришлар ва дунё амалиётиндан келиб чиққан ҳолда, отахон энди бизда ҳам доимий ишлайдиган профессионал парламент фаолият кўрсатмоқда, унга 5 та сиёсий партия ва ташаббускор гуруҳлардан мустақил депутатлар сайланган, ҳамма масалалар бўйича ҳам уларнинг фикри доимо бир жойдан чиқвермайди, айримлари ҳукумат олиб бораётган йўл (курс) билан келиша олмаслиги натижасида ўзларини Парламентда муҳолифат деб эълон қилиши мумкинлиги ҳамда мазкур қонун билан

“Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонунда таъриф берилган ва миллий парламентаризм амалиётига киритилаётган “парламент муҳолифати” институти мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсий ислохотларнинг мантқий давомидир. Мазкур институт демократик жамият талаб ва эҳтиёжларидан бири сифатида Ўзбекистонни дунё ҳамжамиятига киривчи мамлакатлар ичида ўз ўрнига эга бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур қонунда белгиланган

тирок этган у ёки бу сиёсий партия ўзининг дастурий мақсадларини янги шаклланиётган ҳукуматнинг қандай йўл (курс) ни танлаши, ўз олдида қўйган мақсад ва вазифаларига ўз муносабатини билдирган ҳолда белгилайди.

Дарҳақиқат, қандай масала бўлишидан қатъий назар ечимни битта эмаслиги қонунга асосан унинг энг мақбул ечимини топишда, турли фикр ва ёндашишлар бўлишидан жамият фақат манфаат қўриб, бу ечим **Президентимиз томонидан асослаб берилган миллий ғоянинг асосий бўлаги сифатида белгилаб олинган халқ фаровонлигини оширишга том маънода хизмат қилади!**

Президентимиз ташаббуси билан киритилиб, қабул қилинган ва бугунги кунда амалда бўлган Конституциявий қонунда парламент муҳолифати институтига фақат таъриф бериш билан чекланиб қолмасдан, балки ўз электорати манфаатини ҳимоя қилишни сайловолди дастурида белгилаб олган ҳамда ўзини парламентда муҳолифат деб эълон қилган партия фракциясига берилаётган қўшимча ҳуқуқлар ҳам аниқ белгилаб берилган. Жумладан, Қонунчилик палатаси маъсул қўмитасининг тегишли масала бўйича маърузаси билан бир вақтда қонун лойиҳасининг муқобил тахририни киритиш, муҳокама этилаётган масалалар бўйича ўз фикрларини Қонунчилик палатаси ялпи мажлисининг баённомасига киритиш, Олий Мажлис Сенати томонидан рад этилган қонун лойиҳаларига бўйича тузиладиган келишув комиссияларига ўз вакилини киритиш каби бир қанча қўшимча ҳуқуқ ва ваколатлар муҳолифатнинг парламентдаги амалий фаолияти самардорлигини

Муҳолифат институтига доир ўзига хослик ва дунёнинг йирик сиёсатчилари ҳамда халқроқ экспертлар томонидан эътироф этилаётган жиҳат шундан иборатки, унда муҳолифат тушунчаси нафақат миллий қонунчилик таркибига киритилмоқда, балки энг асосий сиёсий партия ёки сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар қайси ҳолатда ўзларини муҳолифат деб эълон қилиши мумкинлиги тушунчасига ҳам аниқлик киритилган. Бу эса тузилиши мумкин бўлган ҳар қандай саволга ўрин қолдирмайди.

Конституциявий қонуннинг иккинчи моддасида Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари масалаларига

Конституциявий қонунда Парламент муҳолифати ва бошқа масалалар бўйича киритилаётган қонун нормалари мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар талабларидан келиб чиқилган бўлиб, улар ижросининг амалда таъминланиши давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтиради.


аниқлик киритиш баробарида муҳолифат тушунчасига берилган таъриф, яъни “Янгитдан шакллантирилган ҳукуматнинг тугган йўли (курси) ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган партиялар фракциялари, шунингдек сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ўзларини муҳолифат деб эълон қилиши мумкин”лиги қонун билан аниқ ва лўнда мустаҳкамлаб қўйилганлигини мамлакатимизда сиёсий жараёнларни демократлаштириш борасида қўйилган жуда катта ва салобатли қадам ҳамда демократик давлатларнинг умумэтироф этилган таърибасидан келиб чиқиб, миллий парламентаризм амалиётини халқроқ амалиётга мослаштиришга қаратилган навбатдаги улкан сый-ҳаракат сифатида баҳолаш лозим.

Шу ўринда ўз-ўзидан партиянинг муҳолифат йўлини таъминлашнинг сабаби нимада деган савол пайдо бўлиши табиий. Амалиётда, ўзининг сайловолди дастурида белгилаб олган вазифалари янги шаклланиган ҳукумат томонидан мамлакатни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш бўйича эълон қилган асосий йўналишлар билан тўла ёки қисман мос келмаган ҳар қандай сиёсий куч ўзини парламент муҳолифати деб эълон қилиши халқроқ таърибда қўлланилиб келинмоқда. Халқроқ парламентаризм амалиётини сиёсий партиялар фракциялари фаолиятини баҳолаш принциплари ва мезонлари демократик давлатчиликнинг умумэтироф этилган таърибасидан келиб чиқсади. Яъни, демократик давлатларда мамлакат парламентида бўлган сайловларда иш-

таъминлашга қаратилган.

“Конституциявий қонунда Парламент муҳолифати ва бошқа масалалар бўйича киритилаётган қонун нормалари мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар талабларидан келиб чиқилган бўлиб, улар ижросининг амалда таъминланиши давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтиради. Мамлакатимиз Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишида сўзлаган маърузасида таърибасидан келиб чиқиб, “Бизнинг олдимизда турган яна бир масала – қабул қилинган қонунларнинг ижросини таъминлашдан иборат”. Яъни, мазкур қонунда муҳолифатга берилган имкониятлардан амалда фойдаланиш волатида жамиятни бирлаштирувчи куч ҳисобланган миллий истиқлол ғоясининг асосий мақсади бўлган Ватан раванқи ва халқ манфаатларини таъминлаш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларга катта хисса қўшилган бўлади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Ўзбекистон миллий парламентаризми амалиётини парламент муҳолифати институтига киритилиши халқроқ экспертлар томонидан эътироф этилаётганидек, **мамлакатимизда олиб борилаётган демократик жараёнларни янада жадаллаштириш ва жамият ҳаётини демократлаштиришда янги босқич ҳамда жамиятни демократлаштириш ва янгиланишнинг бош мезони сифатида хизмат қилиши шубҳасиз.**



ТУЙГУ

Истиқлол – инсон тақдирида акс этмоқда

Юртимизда байрам шукруҳи кезиб юрибди. Халқимизнинг миллий ифтихори ва ғурурига айланган истиқлол байрами миллатнинг ўзлиги, қадриятларини, миллий анъаналарини ўзида мужассам этганлиги билан ҳам эътиборли. Бу йилги байрам халқимиз учун қўшалок келди. Азим пойтахтимизнинг 2200 йиллигини ҳам кенг миқёсда нишонлаш арафасида турибмиз.

Махбира АБДАЛОВА

Йил давомида бир-бирига улашиб кетаётган тантаналар сингари бу йил байрам ҳам ҳар биримизнинг қалбимизга чексиз қувонч ва ифтихор туйғуларини олиб киради. Президентимиз айтганидек: “Мустақиллик – бизнинг борлигимиз, шону шухратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир.”

Улгаётган теран нигоҳларга боқаман. Бу нигоҳларда ҳаётга ва яшашга бўлган чексиз муҳаббат, тугилиб ўсган ва истиқомат қилаётган макондан миннатдорлик туйғуси, “Бу mening Ватаним – мен унинг фарзан-

диман” деган улғу бир ниёт билан яшаётган инсонни кўраман. Аслида бу фахрга ҳар биримиз ҳақлимиз. Қайси соҳа вакили бўлишидан қатъий назар Ватан учун, унинг мустақиллиги учун қалбларимизнинг энг чуқур жойидан ўрин олган ҳароратли сўзларимиз бор:

Шукруҳон момо Хоразм вилояти, Гурлан тумани: — Эҳ, болам шу кунларга етказганига Оллоҳга беадад шукру. Мустақиллигимиз туйғули юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин. Утган даврни ҳозиргисиз билан таққослаб бўлмайди. Не-не

давраларни кўрмадик, дейсиз, не-не савдолар ўтди бошимиздан. Оллоҳга шукрона айтиш лозим. Тинчлик, осойишталик ҳукм сураётган Ватанда яшаймиз. Бир пайтлар бир бурда қора нонга зор ўтган кунларимиз бўлган. Ҳозир телевизор орқали кўриб қоламан. Болаларим ҳам ишдан хурсанд ҳолда: “Ой бугун яна маошимиз оширилибди” деб қайтишса, мен ҳам уларнинг қувончини кўриб қувонаман. Ва болаларим, набираларимни ҳам кўнглимдан ўтаётган кечинмалар билан таништираман.

Истиқлол йилларида юртимизнинг барча жойларида бўлган каби Хоразм воҳасида ҳам шаҳар ва қишлоқлар ўзгача қиёфа касб этаётгани сир эмас. Қадр қўлган улкан бинолар, дам олиш хибоналари киши кўзини яшнатади. Тарихий обидалар, осори-атикалар ҳам қайта таъмирланиб, гўзал маҳобат касб этмоқда.

Муҳаббат Бобоназарова Миллий университети талабаси: — Мустақиллик, аввалам-

бор, бизга ўзлимизни, миллийлигимизни қайтариб берди. Муҳтарам Президентимиз томонидан бугунги ёшларни билан олишига ва келажақда юртимизга хизмат қиладиган қонун билан муҳолифат қилишга қаратилган сиёсатлари биз талабаларни қувонтирмасдан қўймайди.

Қиёфа бу илм даргоҳимизнинг 90 йиллик юбилей тўйи катта тантана билан нишонланди. Юбилей муносабати билан университет бинолари янгидан таъмирланиб ўзгача чирой очди. Мустақиллигимизни шарофати билан ўқув юртимизда иқтидорли, билимга чанқок ёшлар танлаб олиниб чет элдан келиш имкониятига ҳам эга бўлишди.

Даврон Жумабоев тадбиркор: — Мен соҳам тақозоси туйғули юртимизда бўлаётган қўлгина ўзгаришлар ва янгиланишлардан хабардорман. Хусусан, мустақилликка эришилгандан сўнг чет эл инвестицияларини жалб этиш бўйича ҳам турли илм ишлар қилинмоқда. Жаҳоннинг ривожланган давлатлари билан ҳамкорликда қўшма корхоналар, санаят компаниялари маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. “Made in Uzbekistan” тамгаси остида жаҳон бозорларига тайёр маҳсулот етказиб берилмоқда. Ҳар бир инсон дастлаб ўзига-ўзи савол бериши керак: “Менинг вазифам, қиладиган ишим шу ерда, мен неки қилсам шу Ватан учун, унинг фаровонлиги учун қиламан.”

НИГОХ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига мувофиқ 2009 йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов бўлиб ўтади.

Саид ШУКУРОВ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси

Сайловлар - кучли фуқаролик жамиятига эга бўлган демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқ хоҳиш-иродасининг эркин ифодаланиши, фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишининг асосий шаклидир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон сиёсий, давлат ва ҳуқуқий тизимлар изчил, босқичма-босқич модернизация қилиниши натижасида энг юқори демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизими яратилди.

Сайловларнинг умумэтироф этилган халқроқ нормалар ва принципларга жавоб берадиган самарали қонунчилик, норматив-ҳуқуқий базаси шаклланди.

Марказий сайлов комиссияси бошчилигида ҳокимият вакили органларига сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишни таъминловчи сайлов комиссияларининг яхлит мустақил тизими ташкил топди. Фуқаролар, сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларида эркин, фаол иштирок этиши учун замонвий-ҳуқуқий, моддий-техник шароитлар, уларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўлиқ амалга оширилишининг мустаҳкам кафолатлари яратилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилиши мунсабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгаришларни киритиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонунга мувофиқ тарзда мамлакатимиз сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ўтказилган 2009 йилги сайловлар мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш бўйича ислохотларни чуқурлаштириш ишида муҳим босқич бўлади.

Булажак сайловлар сифат жиҳатидан таъминла янги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий шароитларда ўтказилади.

Жамиятни демократик янгилаш ва мо-

Сайлов қонунчилиги

янада такомиллашди

дернизация қилиш жараёнларида мамлакатимиз Олий Қонунчилик органи, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг рол ва ўрни анча кенгайди ва мустаҳкамланди. Вужудга келган сиёсий воқеликларни ҳисобга олган ҳолда ҳамда қонун ижодкорлиги ишлари савиясини мамлакатимизни демократик янгилашда сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринлари сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилди.

Сиёсий партияларнинг фаоллиги, партиялараро рақобат даражаси анча ошди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан қабул қилинган “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар-

Аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги даражаси, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, одамларнинг сиёсий партиялар дастурий кўрсатмалари, уларнинг жорий фаолияти, қонун ижодкорлиги ишларининг сифатини, депутатлар фаолиятини баҳолашга ҳамда қабул қилинган қонунларнинг жойларда амалга оширилишига нисбатан талабчанлиги ва эътибори тобора ортиб бормоқда.

Булажак сайловлар мамлакатимиз сайлов қонунчилигининг янада либераллашуви ва такомиллаштирилиши шароитларида ўтказилади. Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётда юз бераётган реал жараёнларни ҳисобга олган ҳолда сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан депутатликка номзодлар кўрсатиш институти тугатилди. Натижада ҳозирги вақтда депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига фақат сиёсий партиялар эга. Қонунчиликка сиёсий

Фуқаролар, сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларида эркин, фаол иштирок этиши учун замонвий талабларга жавоб берадиган ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник шароитлар, уларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўлиқ амалга оширилишининг мустаҳкам кафолатлари яратилди.

нинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг, бошқа қатор қонунларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда кўп партиявийлик тизимининг амалда ривожланиши ва мустаҳкамланишига, сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий ҳокимият вакили органларининг фаолиятини ва улар томонидан қабул қилинаётган қарорларга таъсири кучайтишга кўмаклашди.

Сайловда фуқаролик жамияти институтларининг рол ва иштирок этиш имконияти сезиларли даражада кенгайди. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазиятни унун курашиш масалаларининг ниҳоятда муҳимлиги, яъни сиёсий қарашлари, шунингдек, мамлакатимизнинг меъёрий-ҳудудий бўлинишидан қатъий назар, улар хал қилинишидан жамиятимизнинг барча қатламлари манфаатдор бўлган муаммоларни эътиборга олган ҳолда, янги қўнғига мувофиқ Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланадиган депутатларга 15 та депутатлик ўрни берилмоқда.

партияларнинг ваколатли вакили институти киритилмоқда ва унга сайлов участкаларида овозларни санаб чиқишда, имзо варақалари тузишнинг тўғрилигини текширишда иштирок этиш ҳуқуқи берилмоқда. Депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари сони аввалги 5 нафардан 10 нафаргача кўпайтирилди. Қонун ҳужжатларига сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича фаолиятини ошқораликни кенг таъминлашга қаратилган нормалар киритилди. Жами Ўзбекистон Республикасининг амалдаги 13 та қонунга ҳамда мамлакатимиз Конституциясининг 77-моддасига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

2009 йилда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари сайловига қонун талабларига тўлиқ мувофиқ ҳолда, юқори демократик савияда тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш, шунингдек сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти органларини шакллантириш жараёнида фаол иштирок этиш учун шарт-шароитлар яратилмоқда.

МАЪНАВИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

- Бу эса барчамизга катта маънавият юклайди. Мустақиллик биз учун энг улуг, энг азиз қадрият бўлиб, миллий ўзлигимиз, гурур-ифтихоримиз тисмоли, эзгу орзу-интижишимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи сифатида халқимиз қалбидан тобора мустақам бўлиб эгаллаб бораётган бир пайтда биз бу борада қандай эзгу ғоялардан фойдаланишимиз даркор? Тарғибот-ташвиқот ишлари нималарга эътибор қаратиш лозим? Бу саволлар кўпчилики қизиқтириши табиий.

ўсиш суръатларини таъминлаш, халқимиз фаровонлигини ошириш, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Асрларга татигулик ўзгаришлар жараёнида миллий маънавиятимизни тиклаш, умрбоқий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, буюк аجدларимизнинг бой маънавий меросини ўрганиш ва кенг тарғиб этиш орқали халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буни хо-рижий эксперт ва мутахассислар, сиёсатчилар ҳам эъти-

бирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ректори Қиёмиддин Назаров. - Хусусан, бугунги кунда жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз кузатилиб, оқибатда кўп-лаб давлатлар иқтисодий танг аҳволда қолаётган бир пайтда юртимизда молиявий-иқтисодий инқирозни юмшатишга қаратилган чора-тадбирлар нечоғли яхши самара ва натижалар бераётганлигини ҳар бир соҳада кузатиш мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида «Мустақиллик биз учун - ўз-лигимизни англаш, юрт тинч-лий манфаатларимиз, менталитетимизга ёт ва зарарли бўлган таъсирлардан одамлар, айниқса, ёшларимизни асраш, фуқароларни ҳушёрлик ва огоҳликка даъват этишга қаратилган учрашув ва мулоқотлар ўтказилмоқда. Маънавият тарғибот маркази ҳамда Давлат ва жамият қурилиши академияси томонидан нашр этилиб, жойларга тарқатилган «Мустақиллик биз учун - ўз-лигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишининг гаровидир» қўллан-маси ана шундай маънавий-



фарзандларимиз соғ-омон бўлишсин.

Насриддин Мухаммадиев, Ўзбекистон Республикаси Байналминал маданият маркази раҳбари:

- Мустақилликдан олдин бу каби марказлар энди шакллана бошлаган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 150 тага етган. Маданият марказимиз томонидан янги киностудия ташкил қилиниб, қатор бадиий фильмлар ишлангани энг катта ютуқларимиздан биридир. Жумладан, «Бегона бахор», «Қизғалдоқ» фильмлари кўп томошабинларда катта тасассурот қолдирди. Ҳозир кўп қисмли бадиий фильм тайёрланаётиб. Марказимизда бошқа миллат вакилларининг ўқиб-ўрганишлари учун кенг имкониятлар яратилганлиги хо-рижлик мутахассисларнинг юксак эътирофига сазовор бўлмоқда. Айни пайтда марказимиз ташаббуси билан маҳаллалар ва олий ўқув юр-тида мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳ-рининг 2200 йиллигини нишонлашга қаратилган байрам тадбирлари ўтказилмоқда.

Яқинлашиб келаётган истиқ-лол шодиёнаси ватандошларимиз томонидан ўзгача кай-фият билан кутиб олинаёти-ринг ки, боиси, бу йил ҳар томонла самарали йил бўлиб, барча соҳаларда катта ютуқларга эри-шилди. Буларнинг ҳаммаси халқимизга кўтаринки руҳ бағиш-лайди. Ниятимиз шуки, юр-тимизнинг мустақиллиги абадий бўлсин, халқимиз ҳамиса янги ютуқлар билан байрамлари кут-тиб олаверсин.

Рихсидон Иброҳимова, Ўзбекистон халқ артисти:

- Юртбошимиз ташаббуси билан барча соҳаларда янги-ланиш, ривожланиш бўлаётгани, жумладан қишлоқлардаги бунёдкорлик ишларининг кенг йўлга қўйилгани барчамизни қувонтиради. Янги барпо бўлган таълим муассасаларида билим олаётган фарзандларимизнинг келгусида ватанга садоқат, халқига меҳр-мухаб-бат руҳида улғайишига амин бўламиз. Шу ўринда айтмоқчи-манки, мана шу жойларда маъ-навий-маърифий тарғибот иш-лари самарадорлигини янада оширишимиз зарур. Уларнинг кўнглига йўл топиш, эзгу ният-ларни улашишда биз ҳеч қачон орта чекимсизлигимиз керак.

Камолитдин ХОТАМОВ, Сарвар ХУРРАМОВ, «Milliy tiklanish» мухбирлари

Тадбирлар таъсирчанлигини ошириш, уни шакл ва мазмунан бойитиш

маънавият тарғиботчилари олдида турган муҳим вазифага айланмоқда



ги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этиш-нинг гаровидир» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар, кенг қўламли тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимиз маҳаллалари, аҳоли пунктлари, меҳнат жамоалари, ўқув муассасалари, болаларнинг ёзги оромгоҳлари, ҳарбий қисмларида маданий-маърифий, адабий-бадиий тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Бу йўналишда, айниқса, мамлакатимизнинг энг чекка қишлоқ ва маҳаллаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Уларда олимлар, зиё-лилар, маънавият тарғиботчилари, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар фаол иштирок эт-моқда. Учрашувларда Ватанимиз қиёфасини билан боғлиқ ташкилий-амалий масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Яқинда юртимизда меҳмон бўлиб, ўз юртига қайтаётган бир хорижликдан Ўзбекистон ҳақидаги таассуроти, фикрини сўраганимизда шундай жавоб берди:

- Бир нарсага амин ва ҳайратоманки, мамлакатимизда ҳеч ким ўзини ёлғиз сезмас экан. Ҳар бир одам эътиборда бўлиб, оилада, жамоат ишларида бирор муаммо чиқиб қолгудек бўлса, биргалликда, ҳамфикр-ҳамнафас бўлиб ҳал этилиши менда унутилмас таассурот қолдирди. Бу ўзбекка хос жуда улуг фазилат экан.

Султонмурод Олим, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари ўрин-босари:

- Жаҳон ҳамжамияти ХХ ас-ринг энг улкан воқеаси сифа-тида дунёда миллий давлат-ларнинг пайдо бўлиб, турли миллатлар ўз мамлакатига эга бўлганлигини эътироф этади. Хусусан, Ўзбекистон халқи ҳам ўтган 18 йил давомида муста-қилликнинг эмас, балки дав-лат мустақиллигини нишонлаб келмоқда. Бу давр мобайнида Ўзбекистон миллий давлат си-фатида ҳар соҳада тараққий этиб, жаҳоннинг энг кўзга кўринган мамлакатларидан би-рига айланди, десак муболага бўлмайди. Айниқса, бутун дун-ёда молиявий-иқтисодий тан-глик ҳукм сураётган пайтда юр-тимизда унинг акси ўларок, юксалишни кўриш ҳар бир ки-шининг қалбига гурур-ифти-хор бағишлайди. Тан олиш ке-рак, Ўзбекистоннинг иқтисо-дий кўрсаткичи тобора юқори-лаб бораётгани ҳақидаги ах-миборотлари барча аудитория бир хил тушунади, деб айтол-маймиз. Шу жиҳатдан биз - маънавият тарғиботчилари буни содда ва қисқа тилда ет-казишимиз лозим.

Забро Мўминова, Жиззах вилояти, «Йилнинг энг яхши маънавият тарғибот-чиси»:

- Айни пайтда фарзандларимизнинг бўш вақтларини унумли ўтказишда бир қанча марказлар фаолият юритмоқ-да. Жумладан, марказимиз 2001 йилда очилган бўлиб, фа-олиятини даставвал иккита тўғарак билан бошлаган эди. Ҳозирга келиб уларнинг сони 12 тага етди. «Қишлоқ тарақ-қийети ва фаровонлиги йили» муносабати билан маркази-мизга янги бино берилди ва у ерда 400 нафардан ортқ ўқув-чилар бепул хунар ўрганмоқ-да. Марказимиз томонидан миллий анъаналаримиз, жум-ладан хунармандчилик, мум-тоз санъатимизни тиклашга қаратилган қатор ишлар амал-га оширилаётир.

Хунар - ота-боболаримиздан қолган мерос, бу соҳадаги амалий ишларимиз эса аждодларимизга бўлган ҳурмат-эти-ром намунасиридир. Хулоса шуки, тарғиботчи сифатида халқи-мизнинг маънавий дунёсига кириб боришимиз ўзи катта му-ваффақият. Илоҳим, юртимиз-тич, осмонимиз мусаффо,

Мустақиллик мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросини яхши яшаши, муносиб турмуш даражасига эришиши, ўз бил-им ва қобилиятларини юза-га чиқариши учун зарур шарт-шароитлар яратди. Бугунги кунда мамлакатимизда амал-га оширилаётган кенг қўла-ли ислохотлар босқичма-бо-сқичлик тамойилига асослан-ганини, ушбу тараққий этиш нечоғли тўғри ва ҳаётий эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Олиб борилаётган ислохот-лар жамиятимизни янгилаш, миллий ўзликини англаш, иқ-тисодиётимизнинг барқарор

роф этишмоқда. Буларнинг барчаси Юртбошимиз то-монидан ишлаб чиқилган «Тарақ-қийнинг ўзбек модели» ва машур беш тамойил асоси-да амалга оширилаётган иш-ларнинг натижасидир.

- Мустақил давлатнинг мустақил сиёсати, маданияти, ўзи танлаган тараққий этиш йўли бўлади. Жумладан, мустақил Ўз-бекистон ҳам ўтган давр мобай-нида демократик давлат, эр-кин фуқаролик жамиятини куриш, чуқур ўйланган иқтисо-дий ислохотлар натижасида барча соҳаларда юксалишлар-га эришмоқда, - дейди тад-

жан кенг қўламли ислохотлар, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни оқибатларига қара-май, иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари, халқимиз-нинг ҳаёт ва фаровонлик дара-жаси барқарор сақланиб қолаётгани, мамлакатимизда қабул қилинган муҳим ижти-моий дастурлар, жумладан, «Қишлоқ тараққийети ва фаро-вонлиги йили» Давлат дастури ижроси билан боғлиқ яратув-чанлик ва бунёдкорлик иш-лари аниқ ва таъсирчан ҳаётий мисолларда баён этиб берилмоқ-да. Айни пайтда турли ғоявий-информацион хуржлар, мил-

нинг тақлифи ёки бир оғиз сиз қоқиб рухсатини сўрамай кириб бо-ролмайсиз.

Истиқлол йилларида амалга оши-рилаётган ислохотлар замирида фақат инсон манфаатлари ётгани, фуқаролар онгида янгича турмуш тарзи ва дунёни ўзгача англаш шакл-ланганини ҳис этиш мумкин. Бугун ўсиб келаётган ёш авлод онгида миллий ўзлик ва юксак маънавий қадриятлар шаклланимоқда. Яқинда бош фарзандимиз ўн олтига тўлиб, паспорт олди. Ўн тўрт яшар ўғлим оиланинг фуқаролик ифтихори бўлган ҳужжатини ҳавас билан кўздан кечириб экан, паспорт оли-рига билган «ушбу паспорт эгаси Ўзбекистон Республикаси ҳимоя-сидадир» деган ёзувини ўқиб, савол берди: - Ада, мана Ўзбекистон мустақил бўлганига 18 йил бўлди. Ўз-бекистон ўз фуқароларини ҳимоясида сақлар экан. Сизларни унганча ким ҳимоя қилган? Савол жуда оддий бўлса ҳам унга қисқачина жавоб бе-риш қийин эди. Тўғриси айтган-да, ўша замонлардаги паспортнинг ранги эсимда бирок худди шу каби ёзувнинг бор ёки йўқлигини эслай олмадим. Тўғри ҳар қандай давлат ўз фуқароларини ҳимоясида олиши қадимий анъана ва бурч ҳисобла-нади. Лекин биз истиқлолга эриш-гунгача яшаган тузум ўз фуқаро-ларини муҳофаза этганими? Агар 30-йиллардаги сунъий очарчилик, халқнинг энг кўзга кўринган вакил-ларини қайта-қайта қадагон этилиши,

АРАФА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугун Ўзбекистон фуқароси дунёга муайян бир газеталарнинг кичик ахборотлари орқали эмас, балки ўз кўзи билан бормоқда. «Дунё кўрган» ёки «дунё кезган» одамлар жуда оз эди. Ҳозир деярли ҳар бир хонадонда дунёнинг у ёки бу мамла-катига бориб келган одам топил-лади. Қалбда инсоф, диёнат уруғи бўлган ҳар қандай ватандошимиз ўзи кўрган ўлкаларнинг жозибаси ҳақида қанчалик гапирмасин, сўзи-нинг охирида: «Барибир, ўзимиз-нинг юртимиздан кўямасин», дей-ди. Бу нафақат ватанпарварлик, мил-лий қиёсдорлик ҳисси, балки ўзаро қиёсдорликнинг натижасидир. Дунё-даги турли миллат ва элларнинг қадриятларини камситмаган ҳолда, айтиш жоизки, ўзбекна бағрикенг-лик, танглик, андиша ва ҳамиятни бошқа жойдан топиш амри маҳол.

Оддий мисол: бизда эшик қоққан кишидан кимлиги ва мақсади су-риштирилмайди, балки ичкарига бошлаб, олдига нон-чой, таом қўйилади ва то меҳмон ўзи гап бо-шқўйилади. Бундай тавозе ва бағ-рикенглик халқимиз табиятига шу қадар сингиб кетганки, бусиз мил-латимизни тасаввур ҳам эта ол-маймиз. Хорижда эса, ҳатто ўзин-гиз таниган одамнинг уйига ҳам

миллий ва диний қадриятларнинг топталиши, уруш йиллари ҳарбий асриқдан қайтганларни яна тутқ-унликда ушлаш каби ҳолатларни эсласак, давлат фуқароларини эмас, аксинча ўзини фуқароларидан му-ҳофаза этган, деган хулосага ке-лиш мумкин.

Бугун эса Ўзбекистон халқро майдонда ўз сўзи ва қатъияти билан фуқаролари манфаатини бирин-чи ўринга қўйиб келаётгани барча-га маълум. Биргина Ўзбекистон Пре-зидентининг Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилотининг яқинда Москва шаҳрида бўлиб ўтган сессиясида билдирган фикр-лари сўзимизнинг ёрқин далили-дир. Жумладан, Юртбошимиз му-ҳим қарорлар қабул қилинишида аъзо мамлакатларнинг ҳар бири ҳал қилувчи овозга эга бўлиши, ҳар бир аъзо давлат ўз ички муаммоларини ташқаридан - қуролли кучларни жалб қилмасдан туриб ҳал этиши, баҳсли масалаларини ҳал қилишда коллек-тив оператив ҳаракат кучларидан (КОХК) фойдаланмаслик каби ма-салаларни ўртага ташлашлар. Би-нобарин, Президент Ислам Каримо-внинг энг кўзга кўринган вакиллари тўғрисидаги давлатлараро ҳужжатларни парламентлар томо-

нидан ратификация этмай туриб, кучга киритиш мумкин эмаслигини, акс ҳолда муҳим қарорлар халқнинг иродасига зид тарзда қабул қили-нишини таъкидлади. Бу Ўзбеки-стон Президентини конституцион бур-чига содиқ қолган ҳолда ўз халқи манфаатларини халқро микёсда ҳимоя этаётганининг далолатиридир. Демак давлат ўз халқининг манфа-атини мавжуд қонунчилик асосида муҳофаза этмоқда.

Бу йилги мустақиллик шодиёна-ларининг ўзига хос яна бир жиҳати шуки, у кўна ва навқирон пойтах-тимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йил-лиги тантаналарига уйғунлашиб кетмоқда.

Юбурди, ўғлимнинг кўзларида ҳам ана шундай ҳиссиётни кўрдим. - Ҳа ўғлим, бизнинг аждодларимиз катта-катта шаҳарлар қуриб, унинг ҳар бир қўчасини тоза ичимлик суви оқиб, кўркам ва мухташам иморатлар қад ростлаган, билим ва маърифат юк-сақликка етган чоғда америкада ҳин-дулар ҳали ибтидоий қапа ва ғорлар-да яшар, у ерни кашф қилганларнинг холи ҳам мақтағулик эмасди.

МИЛЛИЙ ДАСТУР — МИЛЛАТ ҚАНОТИ

ИБРАТ

Тўхтамурод Жумаев олий тоифали ўқитувчи. Математика фанидан бир нечта қўлланмалар, таълим ва тарбияга оид 100 дан ортиқ илмий-усlubий мақолалар муаллифи. “Халқ маорифи аълочилиси” нишони (1991 йил), “Ўзбекистон халқ ўқитувчиси” (1995 йил) ва “Эл-юрт ҳурмати” ордени (2005 йил) соҳиби.

Олимжон НАЗАРОВ, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси

Тўхтамурод Жумаев билан бундан бир неча йил муқаддам, 2005 йил сентябрь ойида Бухоро вилоятининг Қорақўл туманидаги Жигачи қишлоғида ўтказилган тўғди танишгандик. Бу тўғди унга халқ ўқитувчиси, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби бўлган хурматли устоз, менга эса хонадон соҳибининг дўсти сифатида сўз беришди. Ушанда қорақўлликларнинг бу оқ кўнгли, хокисор муаллимин нақадар хурмат қилишлари ва эъзозлашлари, у ва унинг яратган мактабидан фахрланишларининг шохиди бўлдим.

Инсон қилган амаллари билан элга танилади, унинг феъл-атвори ҳам аввало меҳнати билан намоён бўлади. Қолаверса, кишининг феъл-атвори мана шундай эл орасида юрганида, кўпчилик иштирокида ўтадиган турли тадбирлар, тўй-томоша ва марказларда ҳам билинар экан. Бинобарин, ардоқли туркман шоири Махтумқулининг шеъри билан тўйларимизда айтиб келинадиган машҳур кўшиқда: “Инсоннинг аслини билмоқчи бўлсанг, унинг маъракада ўтириб-туришини кўр” деб бежиз куйланмаган.

Унинг тўйда айтган тилаклари ҳам – кўнгли каби оқ, бегубор бўлиб, максади – мустақил юртимизни юксакликларга кўтарадиган, буюк аждодларимизга муносиб издош бўладиган, Ўзбекистоннинг дунгани жаҳонга таратадиган фарзандларни тарбиялаб вояга етказишдан иборат эди. Зотан, буюк ва юксак максادلарни кўзлаш учун инсонда шунга яраша шижоату жасорат, ақл-идроку заковат, айнан бир вақтнинг ўзида мустахкам асос ҳам бўлмоғи лозим.

Тўхтамурод ака қорачадан келган, ўрта бўйли, сочларига бироз оқ оралаган, доимо майин жилмайиб ва кўзлари чақнаб турувчи, таъбир жоиз бўлса, чеҳрасидан меҳр ва зиё таралиб турувчи инсон экан. У киши билан тезда сўхбатга киришиб кетдик. Фидойи муаллимлар меҳнати ва уларнинг иқтидорли шогирдлари дунёнинг кўнглига ривожланган давлатларида ўтказилаётган кўплаб фан олимпиадаларида голиб ва совриндор бўлаётгани, дипломлари кўлга киритаётгани мустақиллик йилларида вилоят ва республикада халқ таълими ривожланишига хизмат қилган айрим муаммолар ҳақида сўхбатлашдик.

Эртаси кунлик Тўхтамурод Жумаев фахр ва ифтихор, гурур туйғулари ила бизни ўзига хос билим маскани бўлиши қадрдон мактабига ҳамда унинг фидойи муаллимлари билан таништирдик. Яна бир муҳим нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, мактаб раҳбарининг хонасига кириверишда, хусусан, бу ердаги муаллим-мураббийлар учун аллақандай муҳимати сўзларга айланган қолган ва барча ота-оналар учун ибратли бўлган сўзларга кўзингиз тушади. Бу ерга: “Хаётимиздаги энг асосий нарса нима? – деган саволга ҳеч иккиланмай: болаларга

дан ўқишга кириб, мактабда дарс бера бошлаган йилларим ўқувчилар орасида математикага қизиқадиганлари кўп эди. Аммо ўша кезлари иқтидорли ўқувчи ҳам, паст ўзлаштирувчилар ҳам бир синфда қўшиб ўқитилар эди. Паст ўзлаштирувчилар билан ишлаётганимизда иқтидорли ўқувчилар мустақил топириқларни бир зумда баҳариб бўлишарди. Синф даражасида, мавзулар асосида берилётган билимдан

мақоли бор. Тўхтамурод Жумаев буни яхши тушунар эди.

Айни шу кезлари республикамизга тайинланган янги раҳбар Исрол Каримов таълим-тарбия ишларига жиддий ва мутолақо янгича ёндаша бошлаган эди. Буни Тўхтамурод Жумаев унинг “Ўқитувчилар газетаси”да 1989 йил 2 декабрь сонида чоп этилган фикрларидан дароврон аниқлаб олди. Унда шундай дейилган эди: “Истеъдодли ва иқтидорли ёшларни излаб топиш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг қобилиятларини ривожлантириш учун барча шарт-шароитларни яратишнинг республика тизимини ишлаб чиқиш керак. Махсус Республика фондиди ташкил этиш ҳамда иқтидорли болалар учун мактаблар ва интернатлар тармоғини вужудга келтириш ана шу тизимга қирадиган масалалардан биридир”.

Худди шу пайтда, аниқроғи орадан бир ярим ой ўтиб – 1990 йил 15 январьда Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Кенгашининг “Республикада иқтидорли болалар учун ихтисослаштирилган интернат-мактаблар очилиш тўғрисида”ги 32-сонли Қарори чиқди. Унда республикада халқ таълими соҳасида вужудга келган вазиятни

миз халқ мақолининг ҳар доим ҳам ва барча ҳолатларда ҳам тўғри бўлавермаслиги оддий бир муаллим, аммо интилувчан, тиришқоқ, ўзига хос ўқар, айни пайтда иродали инсон Тўхтамурод Жумаев томонидан амалда исботланди! Ҳеч муволафасиз айтиш мумкинки, “Елғиз отнинг ҳам нафақат чанги, балки донги чикди”!

ТАСАВВУРЛАР ЎЗГАРДИ Миллий дастур ва жаҳон май-донлари сари йўл

Шундай қўйин шароитда ҳам ўқувчиларга зўр билим бериш мумкинлигини ҳеч ким ўйламаган эди. “Ҳаракатда – баракат” деганларидай, пухта таълим-тарбия бериш ва чуқур билимга эга бўлиш учун ҳам ҳолис ният, астойдил ҳаракат ва кучли иштиёқ

ҳар бири бўйича мактаб-интернатнинг уч нафардан – жами 9 нафар ўқувчиси халқаро мусобақаларда муваффақиятли қатнашди. Юқорида номлари зикр этилган Зулфиддин Камолов ва Умид Раҳмонов АҚШда бўлиб ўтган 42-олимпиадада мос тарзда бронза ва кумуш медалларини кўлга киритишди. 2003 йилда синфдошлар – Дониёр Нафасов ва Азиз Жўрақулов Японияда ўтказилган навбатдаги олимпиадада мос равишда кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлишди. 2004 йилда Греция халқаро олимпиадасида эса мактаб-интернатнинг бир йўлу уч нафар ўқувчиси – Зафар Жумаев, Жалол Қурбонов ва Бекзод Тўлпалев бронза медалларига, Собит Собиров фахрий дипломга муносиб деб топилдилар.

даргоҳига 4 та асосий йўналиш: иқтисодий, техник, тиббиёт ва қишлоқ ҳўжалиги, ижтимоий-гуманитар йўналишлар бўйича қабул ўтказилди.

Мактабга ўқувчилар қабул қилишнинг янги, энг адолатли усули жорий этилган. Ўқувчилар мактабга 9 синфдан қабул қилинади. Қабул расман матбуотда эълон қилинади. Хужжатлар ҳар йили август ойининг биринчи ўн кунлигида қабул қилинади ва беш кун мобайнида қабул имтиҳонлари ўтказилади. Танловда таниш-билишчилик бўлмади, бошқа қинғир ва фиррон ишларга мутлақо йўл қўйилмади. Шу боисдан ҳам бу мактаб-интернатга кирувчилар, таъбир жоиз бўлса, буюк ўртоқдосимиз Имом ал-Бухорийнинг: “Илмдан ўзга наҳот йўқ ва бўлмағай” деган ҳикматли сўзларини ўзлари учун шиор қилиб олишларига тўғри келади.

Мактабда 53 нафар юқори малакали ва катта иш тажрибасига эга бўлган педагоглар меҳнат қилади. Ўқитувчилар фақат тест синовларидан муваффақиятли ўтказилгандан кейингина ишга қабул қилинади. Муаллимларнинг 31 нафари республика халқ таълими аълочилиси, 29 нафари эса олий тоифали мутахассислардир. Ҳар йили улар шогирдларининг 95-98 фоизи олий ўқув юртиларига қабул қилинмоқда.

Мактаб-интернат ўқувчилари вилоятда бўлиб ўтадиган барча олимпиадаларда мунтазам қатнашиб, ҳар сафар 20-25 та совринли ўринни эгаллашади. Улар республикада 1991 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаятган “Иқтидорли болалар ёзги мактаби” да анъанавий равишда ҳар йили ўтказиладиган математика, физика, иқтисодий, кимё ва информатика бўйича танловларда ҳам тажриба тўплаб борадилар. Одатда, бу тадбирда улар совринли ўринларнинг кимидо ярини кўлга киритади. Қорақўллик ўқувчилар сиртки республика телевизион олимпиадаларда ҳам худди шунча ўринни банд этадилар. Шуни ҳам айтиш кераки, мактаб-интернат вақиллари “Сиз иқтисодийни биласизми?”, “Сиз қонунни биласизми?” каби бошқа турли танловларда ҳам мунтазам равишда совриндорлар сафидан қўй олишади. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

ЮТУҚЛАР СИРИ НИМАДА? Шахсий ибрат ва янгича иш усуллари

Мазкур билим маскани ўқувчиларининг кун тартибига кўз ташласангиз, уларнинг бўш вақтлари деярли бўлмаслигини кўрасиз. Дарслар, овқатланиш, синфдан ташқари тўғрақ машғулотларнинг барчаси дақиқаларига аниқ белгиланган. Бозу ерда бу ерда қатъий тартиб-интизом ўрнатилган, барча топшириқлар астойдил интиқон ҳолда ва юқори даражада сифатли бажарилади.

Табиий савол туғилади: оддий бир қишлоқ мактабининг таълим-тарбия брасида бу қадар катта ютуқларга, юксак натижаларга эришаётганлиги сирини нимада? Буни бир қанча омилар билан боғлиқ дейиш мумкин. Биринчидан, мактабга ўқитувчилар танлов асосида қабул қилинади. Яъни улар ҳам мактаб сари ўзлари интиладишлар. Шу боисдан ҳам фидойилик кўрсатиб ишлайдилар.

ИККИНЧИДАН, ўқитувчиларни иқтисодий ва маънавий рағбатлантириш яхши йўлга қўйилган.

Ҳар бир муаллим ва мураббийнинг йил давомида эришган ютуқлари ҳисобга олиниб, белгилаб борилади. Ҳукуматимизнинг “Ўқитувчилар меҳнатига қўшимча устама ҳақ тўлаш тизими” дан оқилона фойдаланган ҳолда ўқув йили жараёнида муаллимларга “Энг яхши ўқитувчи”, “Энг яхши гуруҳ раҳбари”, “Энг яхши мураббий” номинацияларида мукофот пуллари ажратилади. Ўқитувчиларга 40, 50 фоиз устама ҳақдан ташқари, вилоят, республика ва жаҳон олимпиадаларида совриндор бўлган шогирдлари учун 50 минг сумдан – 200 минг сумгача рағбатлантирувчи пул мукофотлари берилади.

Учинчидан, мактабда таълим жараёни омиқорлик билан бошқарилади. Тўртинчидан, таълим-тарбияда энг эътиборли иш усулларидан бири — бу ўқитувчи билан ўқувчи, ўқувчи билан ўқитувчи ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатилганлигидир...

Ҳа, 23 июль кунин Тўхтамурод Жумаев билан Тошкентда учрашдик. У ўзининг чет элдан, жаҳон фан олимпиадаларидан янги зафарлар билан қайтаётган навбатдаги шогирдларини кутиб олиш учун пойтахтга келган эди.

Германиянинг Бремен шаҳрида математика бўйича ўтказилган 50-халқаро олимпиадада мамлакатимиз ўқувчилари жуда муваффақиятли қатнашди, – дейдиқувчи билан Тўхтамурод ака Жумаев. – Республикаимизнинг 6 нафар вақилидан иборат Ўзбекистон командасида Самарқанд иқтисодий ва сервис институти хузуридаги академик лицей ўқувчиси Дибра Салимова олимпиаданинг кумуш медалини кўлга киритди. Бизнинг Қорақўл туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернатимиз ўқувчилари Аброр Пирнафасов ва Азизхон Назаров бронза медаллари билан, Дибраннинг курдоси — Иброҳимбек Акрамов эса фахрий диплом билан тақдирланди. Дунёнинг 104 та мамлакатидан 600 дан зиёд математиклар қатнашган Бремен олимпиадасидан ўқувчиларимизнинг ана шундай совринли ўринларини эгаллаб қайтиши қалбимизни гурур ва ифтихор туйғулари билан тўлдирди. Бу ютуқларнинг замирида Президентимиз Исрол Каримовнинг таълим соҳасига, ёшларимизга бераётган алоҳида эътибори ва гамўрўйлиги муҳассам.

Ҳа, муаллим Тўхтамурод Жумаевнинг иқтидорли шогирдлари йилдан-йилга ана шундай катта зафарларга эришиб, ўз ютуқларини кўпайтириш ва билимларини бойитиш, айна вақтида Ўзбекистон номини улўлаб ва жаҳонга ёйиб келишмоқда.

Билимга чанқоқ ёшларни топиб, уларни Ва-танга фидойи инсонлар қилиб тарбиялаш муқаддас вазифадир.

Исрол КАРИМОВ

Жаҳонга юз тутган мактаб

фидойи муаллим Тўхтамурод Жумаев ҳақида мухтасар ҳикоя



islohotlar va iqtisodiy maqsadli merosiy o'zlashish qadriyatlarini ta'lim tizimini yanqilash O'zbekis

уларнинг қониқмаётганлиги шундоққина кўзларидан билиниб турарди. Ана шундай ўқувчилар билан дарсдан ташқари тўғрақларда машғулотлар олиб борардим. Аммо махсус қўлланмалар, етарли шароит йўқлиги боис максадга етиб бўлмаслигини ҳам тушунардим.

Тошкентда физика-математика чуқур ўргатиладиган мактаб очилди. Гуё умидларим рўёбга чиқадигандек кувониб кетдим. Уларнинг иш режалари, дарсликлари билан танишдим, тез-тез мулоқотда бўлиб турдим. Ўқувчиларим ҳам олимпиадаларда, сиртки кўриб-танловларда фахрли ўринларни эгаллаб, кўзга кўрина бошлашди. Ана шундан ниятларим қатъийлашди. Узининг билими, маънавий-маърифий қарашлари билан дунёга машҳур бўлган ал-Хоразмий, Беруний, Улўбег, ибн Синодек боқоқолонларимизга муносиб издошларни вояга етказиш тўғриси менга тинчлик бермасди. Негаки, тўрт миң йилдан зиёд тарихга эга ва ўз вақтида тараққий этган воҳа – қадим Пой-

яшиллаш, касб-хўнар таълимининг айни пайтдаги даражасини юқорига кўтариш кўзда тутилган ва умуман масалга янгича ёндашилган эди.

Бу Тўхтамурод Жумаев учун айни мударо эди. Ана шу фикрлар ва мазкур Қарор унинг ўз эзгу истагини амалга ошириш учун дадил қадамлар ташлашига сабаб бўлди. Унга унинг саъй-ҳаракатлари билан 1990 йил 14 февралда халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгаши ижроия Кўмитасига муножаат хати юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Кенгашининг ана шу Қарори асосида 1990 йил 28 апрелда халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгаши ижроия Кўмитаси махсус қарор қабул қилди. Унга мувофиқ Бухоро, Кармана (ҳозир Навоий вилояти таркибиди) ва Қорақўл шаҳарларида иқтидорли болалар мактаб-интернатлари қурилишини бошлаш тўғрисида қўрсатма берилди. Шундай қилиб, Қорақўлда ҳам мактаб-интернат очишга расман рухсат берилган эди.

зарур экан. Иқтидорли ўқувчилар мактаби жамоаси ана шундай ҳолис ният ва зўр иштиёқ билан иш бошлаганидан сўнг уч йил ўтгач, яъни мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилинганидан кейин Тўхтамурод Жумаев ўз ҳамфирқ сафдошлари билан илк катта ютуқни кўлга киритди – мактаб-интернат битирувчиларининг 99 фоизи (!) олий ўқув юртиларига киришди. 2005 йилда бу ўқув юртиларининг республикамиз олий ўқув юртиларига ўқиётган битирувчилари сони 400 нафардан ошган эди.

Кейинги 13 йил ичиди мактаб-интернатнинг 792 нафар битирувчиси мамлакатимизнинг энг нуфузли олий ўқув юртилари ҳамда жаҳоннинг машҳур университетларида ўқиб, юқори малакали мутахассис сифатида республика халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилишмоқда. Мактаб педагогик жамоаси эришилган ютуқлар билан кифояланиб қолмасдан, таълим-тарбия жараёнида доимо изланишдадир. Бунинг натижасида 1999-2008 йилларда физика, математика ва кимё фанларида ўтказилган жаҳон ўқувчиларининг олимпиадаларида ўқув даргоҳининг 10-11-синф ўқувчиларидан 47 нафари қатнашиб, шулардан 35 ўқувчи жаҳон олимпиадасининг совриндори бўлди. Бу голибларга дунёнинг 30дан ортик мамлакатларидаги олий ўқув юртиларида имтиёзли ўқиш ҳуқуқи берилди.

ЮКСАЛИШ БОСҚИЧЛАРИ “Илмдан ўзга наҳот йўқ”...

1-ихтисослаштирилган иқтидорли болалар мактаб-интернати номи унга 1999 йилда берилган. Қорақўлликлар учун оддий-техника, математика ва кимё фанларида ўтказилган жаҳон ўқувчиларининг олимпиадаларида ўқув даргоҳининг 10-11-синф ўқувчиларидан 47 нафари қатнашиб, шулардан 35 ўқувчи жаҳон олимпиадасининг совриндори бўлди. Бу голибларга дунёнинг 30дан ортик мамлакатларидаги олий ўқув юртиларида имтиёзли ўқиш ҳуқуқи берилди.

Мактабда ўқиш учун ўқувчилар йиғишда дастлабки пайтларданок ёзилмаган қонунга амал қилина бошлади – унга фақат энг муносиб, энг иқтидорли ўқувчилар қабул қилинди. Бундай ўқувчиларни одилона саралаб олиш учун улар тест синовларидан ўтказиладди. Бирок ҳеч кимга бирор-бир имтиёз, енгиллик яратилмади. Бизга айни тилишларча, бир йили Тўхтамурод Жумаевнинг ўз невараси ҳам синовлардан ўтолмай қолган. Шу боисдан ҳам қорақўлликлар: “Тўхтамурод Жумаев мактабига ўқишга киришдан кўра олий ўқув юртига кириш осон” деб бежиз айтишмади.

Бугунги кунда ҳам Қорақўлдаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчилари республика олимпиадаларида фаол иштирок этишаётти. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Қадрлар тайёрлаш миллий дастури қўлаб қўлинганидан сўнг мактаб-интернат ўқувчилари учун чинакамга кенг йўл очилди – улар халқаро миқёсдаги олимпиадаларда ҳам муваффақиятли қатнаша бошладилар.

Мактабнинг юқори синф ўқувчилари илк бор 1999 йилда Руминияда ўтказилган математика олимпиадасида иштирок этишди. Бир йилдан сўнг, 2000 йилда биринчи ютуққа ҳам эришилди. Зулфиддин Камолов ва Умид Раҳмонов Жанубий Корея пойтахти Сеулда ўтказилган халқаро олимпиадада учинчи ўринларини эгаллаб, бронза медалларига сазовор бўлишди. Шу йили ана бир ўқувчи – Тоҳир Мирзаев Индонезида ўтказилган 1-Осиё олимпиадасида қатнашиб у ҳам совринли ўринни эгаллади.

Ана шундан сўнг жаҳон майдонлари сари йўл шиддат билан кечди. 2001 йилда математика, физика ва кимё фанларининг

муҳаббат, деб жавоб бераман” деган сатрлар битилган. Бу сўзлар шижоаткор муаллим ҳаёти ва фаолиятининг энг асосий мазмунига, умрининг шориғига айланади. Аслида ана шу сўзларнинг ўзбек очеркимиз қаҳрамони феъл-атвориға, унинг меҳр-муҳаббат тўла шижоатли қалбига кичик, аммо беқиёс гўзал бир чизгидир.

ЕЛГИЗ ОТНИНГ ДОНФИ Янгича ёндашув ва Хукумат Қарори қўл келди

...Мактаб тарихининг зарваракларига бир назар ташлайлик. Уттиз йиллик иш тажрибасига эга бўлган муаллим, ўз касбининг устаси, моҳир педагог Тўхтамурод Муртазович Жумаев бундан қариб йигирма йил муқаддам – 1990 йилда ўзининг азалий орузини амалга оширишга, Қорақўл туманида иқтидорли болалар мактаб-интернатини очишга қарор қилди.

У қорақўллик ёшлар орасида математика ва физика каби аниқ фанларга иштиёқи кучли, бирок оддий мактабда ўз ҳақиқий иқтидорини намоён эта олмаётган ўқувчилар жуда кўлигини биларди. Уша вақтдаги халқ таълими тизимида ўқувчилар шахсини бараварлаштиришга, яъни текисчиликка ва фақат умумий ўрта кўрсаткичларга эришишга асосий эътибор қаратилар эди. Ваҳоланки, чинакам иқтидорларни юзга чиқариш учун педагогик жамоанинг ўқув жараёнига тамомила янгича ёндашуви талаб этиладиган янги турдаги ўқув даргоҳи зарур эди.

– Бунинг тарихи узоқ, ҳеч эсимдан чиқмайди, – деб эслади Тўхтамурод ака Жумаев. – Бухоро Давлат педагогика институтининг математика факультетиға сирт-

канд шахрида яшаган аждодларнинг авлоди бўлган, қолаверса, азалдан илм-маърифат ўчоғи саналмиш Бухорои Шариф номи билан аталадиган вилоят худудида истиқомат қилувчи фарзандларимизнинг истеъдоди кучли бўлишига, буюк аждодларимиз иқтидорли, ақл-заковати қондан-қонга ва суяк сурий ўз аждодларига ўтишига мен қаттиқ ишонар эдим.

Ниятат, ўн-ўн беш йиллик югур-югурлар, асаблар толиқшиш, беором тунлар эвзасига 1990 йил 1 сентябрда шундай мактабни Қорақўл туманида очишга рухсат берилди. Кувончларимнинг чеки йўқ эди...

Дарҳақиқат, Тўхтамурод ака доимо ўз олдиға юксак максادلар қўйиб ўрганган инсон. Шу боисдан ҳам бу максадни амалга оширишга қатъий киришган эди. Бунинг учун бир қанча идораларнинг турли даражадаги амалдорлари эшитгини қўқиб, уларни ишонтириш ва кўндиришга уринди, бошқа кўплаб тўсиқларни енгилга интилди. Бундан ташқари, республиканинг турли институцияларига сон-саноксиз хатлар йўлланди. Аввалам у мактаб-интернат очишда ёрдам сўради, кейинчалик эса буни талаб қила бошлади.

Минг афсуски, бу саъй-ҳаракатлардан заррача самара бўлмади. Тўғри, қорақўллик жонқур муаллимнинг тақлифини рад этишмади, ҳатто уни маъқуллагандек ҳам бўлишди, бирок ҳеч ким уни қўллаб-қувватламади ва масалани ечиш учун амалий ёрдам бермади. “Мактаб-интернат очмоқчимисиз, марҳамат, таважжал қилиб ишчи бошлайверинг, кейин кўрамыз, у ёғи бир қад бўлар”, дейишди. Ваҳоланки, доимо халқимизнинг: “Елғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донги чиқмас” деган доно

Бинони таъмирлаш ишлари ўтказилгач, барча қириқчиликлар ортда қолгандек, энди ишга киришса бўладигандек кўринганди. Тўғри, у мактаб битгач “Хамма иш хамирдан қил суғургандек силлик кечади”, деб ўйлаган эмасди, албатта. Энди янги бир жиддий тўсиқ пайдо бўлган эди. Бўлажақ мактаб ўқувчиларининг айрим ота-оналари: “Биз тирик бўла туриб фарзандларимиз мактаб-интернатда ўқийдими?” дейишлари ҳаммасидан ошиб тушди. Ота-оналарни “интернат” сўзининг ўзини-ўзини, улар янги тилдаги мактабни ҳам болалар уйи деб тушунишаётган эди. Тўхтамурод Жумаев янги мактаб учун ўқувчилар йиғиётгани ҳам ота-оналардан: “Бизнинг фарзандларимиз етим-есир эмас”, деган таънаю дашонимиз етим-есир эмас”, деган таъналардақ унинг хаёлидан: “Шундай ишлашликки, ўқувчи ва ота-онага мактабим керак бўлсин” деган қатъий ният, ўй-фикрлар кечди. Жамоа ўқувчиларига ҳам шунинг нияти сингдириди.


Шунга қарамай, у руҳан тушмади, қатъий ирода билан буларнинг барига чидади, тоқат қилди. Ота-оналарга асл максадни сабри билан тушутирди. Зеро, “Сабрнинг туби – сарик олтин” деган маънойихрак. Шу тариқа, илк ўқувчилар ҳам йиғилди. Тўхтамурод Жумаев ўзи елиб-юғуриб, қаралардан парта ўрнини босадиган темир столларни топиб келди, шинамиза ҳовлида ўт ёқиб болалар учун ўзи овқат тайёрлади, оила эъзолари оила мактабининг бошқа барча юмушларида қўмақлашдилар. Нихоят, туман марказидаги муаллимлар орасидан ҳам Тўхтамурод Жумаевга сафдошлар топилди. Шу тариқа, мактаб-интернат иш бошлади. Буни қарангки, юқорида айтгани-

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Ирқчилик ва

миллатчиликка қарши

фақат тарбия ва юксак маънавият нажот бўлиши мумкин



батан муносабатлари... Ҳақиқий ватанпарварлик нима? Ахир бу — фақат ширлар ва чақирлардан иборат эмас. Бу туғилган ва яшаётган жойингга, сени ўраб турган одамларга нисбатан муҳаббат ва илқ муносабатдир.

Дарҳақиқат, кейинги пайтларда Россия матбуоти мамлакатда ирқчилик, миллатчилик ҳолатлари тез-тез қузатилаётгани ҳақида бонг урмоқда. Марказий кўчаларда "Биздан кўриқилари керак", "Биз ҳаммадан зўрмиз" каби ёзувларни учратиш мумкин: Унга миллат вакиллари нисбатан хурматсизлик, ўз миллатининг ҳақ-ҳуқуқларини бошқа миллатлардан юқори қўйиш, ўз манфаатларини ўйлаб, бошқа миллат ва халқлар вакиллари билан манфаатларини назар-писанд қилмасликдир. Бир сўз билан айтганда, миллат айриш жиддий муаммага айланиб бормоқда. Кўп узоққа бормайлик: Россияда жорий йилнинг дастлабки икки ойида ўзга миллат вакиллари таққирлашга қаратилган 60та ҳужум уюштирилган. Оқибатда қарийб 40 нафар одам ўлдирилган ва 600 нафардан ортиқ киши жароҳатланган. Бу фақат расмий маълумотлар, ҳолос. Қузатувчиларнинг сўзларича, норасмий манбалар бу каби ҳолатлар яна кўп содир бўлганини айтишган. Бундан бир ҳафта олдин Сахалин шаҳридаги ишлаб чиқариш корхоналарининг бирида ишлаган икки нафар тожик номалум шахслар томонидан ўлдириб кетилган. Мамлакатда бу каби мудҳиш ҳолатлар биринчи мартаба кузатилаётгани йўқ. Ҳўш, бу қандай оқибатларга олиб келиши мумкин? Муаммонинг асл манбаи қерда?

Халқро қузатувчилар ҳам буларнинг барчаси оилага, ота-она тарбиясига бориб тақалишини таъкидлашмоқда. Мунтазам спиртли ичимликлар, тамаки ва наркотик моддаларни истеъмол қилиш, оиладаги "одатий" можаролар ва бунинг оқибатида ажралишлар сонининг тобора кўпайиб бораётгани нафақат ўсиб келаётган навқирон авлод келажагига, балки оқир-оқибат маънавий таназул — миллатнинг асрий қадриятлари, одоб-ахлоқ, таълим-тарбия, оила ва жамият ҳаётига жиддий соя солишига олиб келади.

Россиялик машҳур ёзувчи Борис Стругацкий миллатчилик 150дан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қиладиган Россияда тобора томир отиб бораётганидан жиддий

хавотирда эканини билдирган.

— Бугунги ҳолатлар менга худди ўтган асрнинг 80-йилларини эслатмоқда, — дейди у. — Агар бу иллат томир отиб кетаверса, вазият янада оғирлашиши турган гап. Нима учун Россияда бир миллат бошқасига нисбатан бундай таъвоузкор ҳаракатда бўлмоқда? Балки, бизнинг мамлакат ҳам бошқа кўп миллатли мамлакатлардан ўрнат олиши керакдир.

Мутахассислар асосий муаммо сифатида ёшларни тартиб-интизомга чақирмаслик, ўқув даргоҳларида нафақат таълим, балки тарбияга эътиборнинг камайгани билан изоҳлашмоқда. Шунингдек, ота-она ва фарзанд ўртасида самимий мулоқотнинг йўқлиги ва ёшларга берилган жуда кўп эркинликларни ҳам шулар туркумига киритиш мумкин. Айнан оила бошлиқларининг бепарволиги ёшлар ўртасида турли тартибсизликлар ва ахлоқсизликларнинг келиб чиқишига олиб келмоқда.

Яқинда Архангельскда бир гуруҳ депутатлар томонидан миллатчиликни ёқлагани учун жазоланиш назарда тутувчи "Россия Федерациясининг" Жиноят кодексига ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди. Жиноят кодексига киритилган мазкур тузатишлар палата спикери Борис Гризлов бошчилигидаги депутатлар гуруҳи томонидан давлат Думасига тақдим этилган. Унга кўра, жазо сифатида 300 миң рублгача бўлган жарима ёки 3 йилгача озодликдан маҳрум этиш тақдир этилган. Агар шахс ўз хизмат давримидан фойдаланиб ёки оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда миллатчиликка йўл қўйса, жарима ҳажми 500 миң рублгача, озодликдан маҳрум этиш эса 5 йилгача ортади. Шунингдек, у маълум давримидан эгаллаш ҳуқуқидан ҳам маҳрум этилади.

Ирқчилик, миллатчиликни бошқа давлатларда ҳам қузатиш мумкин. Ривожланган давлатлардан яна бири Францияда сўнгги 3 ойида хорижий сайёҳлар, меҳмонхоналар, хорижий дипломатик вакилларга нисбатан ҳужумлар тобора ошиб бораётгани қузатилаётган. Қузатувчилар "Кўхна қитъа"да бундай ҳолат айниқса, спорт мусобақаларида ҳам тез-тез содир бўлаётганини таъкидлашган. Шу муносабат билан кунни кеча футбол ватани бўлмиш Англия футбол ассоциациясининг ишчи гуруҳи томонидан ўйин давомида муҳлисларнинг ирқчилик ва ди-

ний таққирлашларга доир ҳаракатлари аниқлангудек бўлса, ҳар икки жамоани ҳам жаримага тортиш ҳақида қарор қабул қилинди. "Guardian" газетасининг ёзишича, бунда ҳақорат футболчилар, томошабинлар ёки ҳакамларга қарата айтилса, жарима қўлланилади. Миллионлар ўйинидаги мазкур қоида Англия футболнинг барча тоифаларига — ҳаваскорлардан тортиб, то профессионал жамоаларгача тегишлидир. УЕФА қонун-қоидаларига мувофиқ футболда ирқчилик ҳолати қузатилса, миллий футбол ассоциациялари жамоадан очколарни олиб ташлаш ҳуқуқига эга. Аммо шу вақтга қадар футбол ватани — Англияда бундай айблов бирор марта қўлланилмаган эди. Ишчи гуруҳи таркибига Лондон полицияси, Буюк Британия мусулмонлар кенгаши ва футбол жамоалари киритилди.

— Кейинги пайтларда Англиянинг нафақат юқори, балки кўйи дивизионларида ҳам ирқчилик ва миллатчилик тез-тез учрамоқда, — дейди ишчи гуруҳи аъзоси, Лейбористлар партияси депутати Жон Мэни "Times" газетасига берган интервьюсида. — Тан олиш керак, ўтган йиллар давомида Буюк Британия клубларига мусулмон ва яҳудий миллатига мансуб таққирлиқлар ўйинчилар келиб қўшилмоқда. Менинг фикримча, Шарқий Европада миллатчилик ўтган асрнинг 20-йилларидек анча томир отган.

Миллатчиликка миллий ўзликини англаш ётдир. Чунки миллий ўзликини англаш ўз миллий хусусиятлари ва ўзига хосликини тан олиш билан бирга бошқа миллатларга хос барча фазилатлар ва қадриятларни ҳам эътироф этиш ва улардан фойдаланишни тақозо этади. Миллатчиликнинг сиёсий тусда намоён бўлиши салбий оқибатлар келтириб чиқаради, давлат ва миллатнинг хавфсизлигигагина эмас, айни вақтда минтақавий, кенг қўламли хавфсизликка таҳдид солувчи кучга айланади.

Кўп миллатли давлат — Ўзбекистонда ўзбеклар билан бир қаторда ўз маданияти ва анъаналарига эга бўлган 130дан ортиқ турли миллат ва элат вакиллари аҳил ва иноқ истиқомат қилмоқда. Мамлакатимиз Конституциясида "Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шaroит яратди", деб ёзиб қўйилган. Юртбошимиз ташаббуси билан 1992 йили ташкил этилган Республика байналмилал маданият маркази мамлакатимизда миллатлараро тотувлиқни таъминлаш, жамиятда бағрикенглик тамойилларини қарор топтиришга муносиб улуш қўшмоқда. Мазкур марказ Ўзбекистон ҳудудида фаолият олиб бораётган 150 га яқин миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириб, уларга ташкилий ва методик ёрдам қўраётган келмоқда. Сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун Вашингтондаги Ж.Хопкинс номли университет қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институтининг етакчи эксперти Офтоб Қозининг қуйидаги фикрини келтирамиз:

— Мен катта ишонч билан айтманки, Ўзбекистон ҳақондаги энг бағрикенг мамлакат. Маданий турли-туманлик ва плюрализм шарoитида миллий маданиятлар ҳамда диний хилма-хилликлараро ўзаро уйғунлик ва мувоозанатни сақлаш осон эмас. Бироқ Ўзбекистонда бу мураккаб вазифа аъло даражада адо этилмоқда.

Миллатчилик, ирқчилик кеча ёки бугун пайдо бўлган эмас. Қадим-қадимдан буюн инсоният мазкур иллатга қарши курашиб келади. Бундай бедаво дард ўтган асрларга нисбатан биринчи қамайдан бўлишига қарамай, ҳозирги кундаги энг оғир ва ҳал этилиши қийин муаммага айланиб бормоқда. Қузатувчиларнинг фикрича, бугунги кунда инсоният олдида турган мазкур иллатнинг бош омил — маънавий қашшоқликдир. Бунга қарши курашишда жамият ва оила ўртасидаги ўзаро боғлиқлиқни таъминлаш, мактаблар ва ота-она ўртасидаги алоқалар ва аҳилликни шакллантириш, бир сўз билан айтганда, фақат тарбия ва илгима ягона нажот йўли бўлиши мумкин.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Тўфонлар мавсуми

Осиёнинг жанубий-шарқий минтақаларида сўнгги 500 йилдаги энг йирик "Моракот" номли тропик тўфони бошланди. Унинг тезлиги соатига 180 км.ни ташкил этмоқда.

Тайванда ёққан тинимсиз ёмғир 150 дан ортиқ турар-жойларни вайрон қилган, денгизга яқин шаҳарлар ва овуларда фавқулотда ҳолатлар эълон қилинган. Қарийб 500 миңдан ортиқ аҳоли хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилинган. Бундан аввалроқ "Моракот" Филиппинга ҳам катта зарар етказганди. Сўнгги маълумотларга кўра, бу ерда 21 нафар одам ҳалок бўлган, қарийб 30 киши дом-дараксини кўтган. Табиий офат Хитойнинг жанубий-шарқий минтақаларига ҳам етиб келган.

Ёрдам етказиш муаммо

БМТ Афғонистонда миңглаб одам гумани-тар ёрдамдан қуруқ қолаётганидан хавотирда эканини билдирган.

Қузатувчиларнинг сўзларига кўра, мамлакатда президент сайловлари кунни яқинлашиб келаётган бир пайтда "Толибон" ҳаракати ҳам фаоллашган. Афғонистонда ишлаётган БМТ ходимлари маҳаллий ташкилотлар ёрдамига танишига мажбур бўлишмоқда.

— Ёрдам ростдан ҳам манзилга етиб бордим, йўқми, текшириш қийин, озиқ-овқат, кийим-ке-чак, дори-дармон қандай тақсимлангани кўпича номаълумлигича қолаётди. Бу жуда ташвишли ҳол, — дейди расмийлардан бири.

БМТ ҳисоб-китобича, Афғонистонда 230 миңдан зиёд фуқаро жойдан-жойга қўчишга мажбур бўлмоқда. Қарийб 2,5 миллион аҳоли кўшни давлатларга қочган. Мутахассислар террорчиларнинг халқро ташкилот ходимларига ҳужумлари кўпайганини айтишган. Ҳозир Афғонистонда 650 миллион доллар ёрдам зарур.

Уйлар хавфсиз, деб топилди

Италия ҳукумати эндиликда Абуруцодоги зилзиладан азимат чексанлар меҳмонхоналарда давлат ҳисобидан яшашга ҳақли эмаслигини билдирган. Бу ҳақда Аквила шаҳар расмийлари маълум қилган.

Х о з и р қарийб 100 нафар италияликлар меҳмонхоналарни тарқ этиб, уйларига қайтишган. Қолганлари ҳам яқин вақтлар ичда меҳмонхоналарни бўшатишлари керак. АФП тарқатган маълумотларга кўра, тегишли мутахассислар текширувдан сўнг ҳудуддаги қарийб 50 фоиз уйлар яшашга яроқли деб топилган. Агар фуқаролар турар-жойларининг хавфсизлигига шубҳаланишса, улар бевосита мустақил экспертиза ўтказишлари мумкин. Сўнгги маълумотларга кўра, зилзиладан зарар кўрган қарийб 19 миң одам меҳмонхоналарда, 20 миң фуқаро Аквиладаги вақтинчалик турар-жойларда ва 10 нафардан ортиги эса яқин инсонларнинг уйларида яшамоқда. 2009 йил 6 апрель кун Италия Абуруццо ҳудудида 6,7 балли зилзила содир бўлиши оқибатида қарийб 300 нафар одам ҳалок бўлган. Табиий офатдан қўрилган зарар 12 миңилард еврони ташкил этган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

БИЗНИНГ ШАРҲ

Беҳбуд БОТИРОВ

Бугунги замонамиз қанчалик шиддат қамчисини урмасин, ўз ортидан турли иллатларни ҳам эргаштириб бормоқда. Шулардан бири миллий низо, ихтилофларга сабаб бўладиган, жамият ҳаёти, тинчлик ва барқарорликни издан чиқариши мумкин бўлган иллат агрессив миллатчиликдир. Мамлакат раҳбарлари, сиёсатчи-ю, олимлар молиявий-иқтисодий ёки сиёсий соҳадаги камчиликларни тез орада бартараф этишлари мумкин, аммо мазкур иллатни олдини олишга бир ой, бир йил ёки биттагина кўрсатма кифоя қилмайди. Бунинг учун ҳар бир давлатда истиқомат қилаётган аҳоли, улар қайси миллат вакиллари бўлишидан қатъий назар шу юртнинг бир фуқароси сифатида тинч-тотув, аҳил-иноқ яшаши-ри лозим.

Ҳақон оммавий ахборот воситалари орқали чет элликларнинг ўлдирилаётгани, ўзга тилда гаплашадиган, бошқа-бошқа динга эътиқод қиладиганларга нисбатан таъвоузкорона хатти-ҳаракатлар олиб борилаётгани, мазорларни таққирлаш каби ҳолатлар тез-тез қулоққа чалинмоқда. Яқинда Россиянинг "Аргументы и факты" газетасида мамлакатнинг машҳур театр арбоби Галина Волчек билан суҳбатни ўқиб, бу борадаги фикримиз ва айрим таҳминларимиз тўғри эканлиги янада ойдинлашди. Унда шундай дейилади: "Саовал: - Галина Борисовна, сизнинг олдингизга интервью олиш учун келаётганимизда икки нафар ўспирининг суҳбатини эшитиб қолдим. "Ҳаёт жуда зерикарли бўлаёпти, балки бирор тожикни ўлдирармиз?...". Мени ҳақиқий кўрхув босди..."

Жавоб: - Бу ҳар қандай инсонни ҳам қарахт аҳволга солиб қўйиши мумкин. Ахир жониворлар таққирланганда ҳам инсон қалби жунбушга келади-ку. Турли ҳайвонларни отиб юбораётган болаларга қандай жазо беришни билмайсан киши. Уларнинг ота-оналаригача? Сиз таъкидлаган гапларни айтган инсон эса умуман ер юзиде яшамаслиги керак.

— Лекин ҳар қандай ҳодисанинг негизи, сабаби бўлади? Ёшлар хулқидаги бундай ўзгаришларнинг боиси нима? Нима туртки бўлган? Балки бунга мураккаб вақт, ичкиликка берилган ота-она сабаби бўлганми? — Аслида буларнинг ҳаммаси бирлашган. "Озодлик" тушунчаси ҳозир ўзи англаштири керак бўлган маънодан бошқачароқ тарзда қўлланилмоқда. Бугун кўпчилик учун озодлик бу — аввало бебошлик, ҳамма нарсанинг мумкинлиги, ички фашизмга айланиб бормоқда. Уларнинг замирида эса бўшлиқ ва маънавий қадриятларнинг йўқлиги ётади.

Мен ўзимни эркин ҳис қиламанми? Афсуски, ҳар доим ҳам эмас. "Мен бутунлай озодман", деган кишиларга ишонмайман. Биз жуда кўп нарсаларга боғлиқмиз, ҳатто об-ҳавога ҳам. Бизга яқин ва йироқ бўлган кишиларга табиий равишда боғланганмиз. Мени бугунги Россиядаги айрим ҳолатлар хавотирга солади. Кишиларнинг бир-бирига, "инсон", "қалб" тушуңчаларига нис-

РАНГИН ДУНЁ

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Олимларнинг фикрича, ХХ асрнинг охириги ўн йиллигидан бошлаб инсоният ортиқча вазн йиғга бошлаган. Ортиқча вазн — инсон учун энг хавфли касалликлардан бири ҳисобланади. Айни пайтда Америка, Европа, Буюк Британия аҳолисининг учдан бир қисмини ташкил этадиган 35-36 ёшдаги кишилар семириш касаллигига дучор бўлишган. Бунга нима сабаб бўлиши мумкин?

Мутахассисларнинг таъкидлашича, инсоннинг овқат истеъмол қилиши деярли ўзгармаган, лекин жисмоний меҳнати нисбатан камайган. Тезкор тараққиёт инсониятни оғир меҳнатдан ҳалос қилиб ақлий меҳнатга кўпроқ имконият яратди. Ҳўш, бунинг нимаси ёмон? Тўғрику-я, аммо инсон ўзининг соғлиги ҳақида ўзи жон куйдириши лозим. Агар одам кўп овқат еб, кам ҳаракат қилса бугунги кунда эпидемия ҳисобланган семириш касаллигига рўбарў келиши аниқ. Энг ҳаракатчан инсон кўпи билан кунига 3 миң ккал. қувват сарфларкан. Кўпчилик қовурилган, ёғли овқатни истеъмол қилишни ҳўш кўради. Ёки кераклик моддалар йиғиши учун кўп овқат ёйиш лозим деб ҳўшоблайди. Натича-

да ортиқча вазн пайдо бўлади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, организмга керакли витамин-ийғиш учун кўп овқат эмас, балки янги сабзавот, ҳўл мева ва табиий ўсимликлар зарур бўлади.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, қадимги юнонлар қора нонни энг фойдали нёъмат сифатида истеъмол қилишган. Археологлар, одамлар тош асрида ҳам соғлиқларига жиддий аҳамият беришганини таъкидлашади. Олимлар қадимги одам суяк қолдиқларининг кимёвий тузилишини текшириб, улар қадимда кўпроқ ёввойи нок, малина ёнғоқ ва нилуфар гул уруғини истеъмол қилишган дейишмоқда. Қазилма ишлари жараёнида етти хил ёнғоқ ва ёввойи бодом пўстлоқ-

Тадқиқотлар

лари ҳам топилган. Бундан, қадимги тош асрида ҳам парҳез ва соғлиқни сақлашга алоҳида эътибор қаратишган, деган хулосага келиш мумкин.

Олимлар қазимча ишлари чоғида топилган идишдаги фосфор миқдорига қараб, унинг ичда нима сақланганини аниқлаб олишган. Масалан, агар идишда сув сақланган бўлса унинг ички ва устки қисмида фосфор миқдори бир хил, овқат сақланган бўлса идиш тубида фосфор кўпроқ бўларкан. Шу йўл билан олимлар қадимги одамларнинг овқатланиш тизимини тузиб чиқишган. Ундан ташқари тадқиқотлар ёрдамида улар кўпроқ сут эмас, сут ачитқиси — офтобда қолган ёки ивиган сутни фойдалироққ билишгани аён бўлган.

Қадимги аждодларимиз фақат ўсимликлардангина фойдаланиб қолмай ҳайвонлар гўштини ҳам истеъмол қилишган. Бироқ, улар шунга яраша жисмоний меҳнат ҳам қилишган. Шу боис, уларда семириш хавфи деярли бўлмаган. Яқин-

да канадалик олимлар қадим-гиларнинг парҳез усулларини қўллаб, кўнгиллилар ёрдамида тажриба ўтказишди. Олимлар икки ҳафта мобайнида ушбу парҳездан фойдаланган кишининг қонидаги холестерин 33 фоизга камайганига гувоҳ бўлишган. Бироқ, тажрибада қатнашган кишиларнинг айтишича, бу жараён жуда қийин келган. Чунки ушбу парҳез усули асосан ўсимлик, унинг илдизлари ва мевадан иборат бўлган.

Торонто университети тадқиқотчиси ва шифокори Дэвид Женкинсининг таъкидлашича, дори ёки замонавий парҳезга нисбатан қадимий парҳез усули организмдаги холестерин миқдорини нисбатан камайтираркан. Бироқ, бундай парҳез инсоннинг интеллектуал тараққиётига салбий таъсир қўра-тиши мумкин. Чунки таҳминан 20 миң йил аввал инсонлар балиқ ва денгиз маҳсулотларини кўп истеъмол қилганлиги боис ақлий ўсиш жараёни тезлашган. Янги илмий маълумотлар шунини исботладики, 20-30

ёки қадимда одамлар парҳез қилганми?



миң йил аввал одамлар балиқ ва сувда сузувчи қушларни истеъмол қилганликларини учун не-ондентлардан устун келишган. Англиядаги Брадфордс университетидаги бир гуруҳ олимлар Майкл Ричардс бош-

чилигида тадқиқот ўтказишиб, узоқ қадим аждодларимиз ўз даврида балиқни қуритиш ва тузлаб сақлашни билишгани учун улар ови юришмаган пайт-да ҳам жон сақлай олишган, деган фикрга келишди.

Олимларнинг яқдил таъкидлашича, узоқ умр кўришни хоҳлаган инсон, аждодларимизга ўхшаб хоҳ гўшти маҳсулот, хоҳ ўсимлик истеъмол қилсин лекин жисмоний меҳнатни қанда қилмаслиги лозим.

НИГОХ

СИХАТТОХЛАРИМИЗ

Наманган вилоятининг Косонсойида ҳеч бўлганмисиз? Унинг бетакрор табиати билан завқланиб, зилол сувлари жилвасига маҳлиё бўлиб, тоза ҳавосидан тўйиб нафас олгач, бу заминни жаннатмакон деб аташлари бежиз эмаслигига амин бўласиз. Айниқса, унинг қишин-ёзин бир хил оқадиган сойи бўйида бир соат мириқиб, бир йиллик чарчоғингиздан фориғ бўлгач сабабини излашга тўшасиз. Ҳамма гап унинг сеҳрли табиати-ю, кислородга бой бебаҳо ҳавосида.

«Косонсой»га бир келиб кетинг

Сайёра ХАЙИТБОЙ қизи, «Milliy tiklanish» муҳбири

Биз гапни бекорга Косонсойнинг кишини ром қилувчи табиатидан бошламадик. Гап шундаки, бу жаннатмакон диёр бир

зая, УВЧ, УЗТ, ИКВ, электроник, амплипульс, тонус, ДМВ, Луч-3, магнитерапия, полюс, кварц, соллюкс, ЭСВ, парафин,

қўшимча даволаш усуллари сплеотерапия, андрология хонаси, сауна, ёпиқ сув ҳавзаси, фитобар ва ванналар ишга тушди. Шунингдек, даволаш бўлимининг учинчи каватида амбулатория усулида даволаш учун



бахо совғалари билан тақдирланган. У бир неча йилдирки, кўрик-танловларда фаол қатнашиб, пешқадамликни қўлдан бермай келаяпти.

Санатория ҳовлисини айланган олиш бўлинмаларида ҳордиқ чиқариш баҳонасида гурунглашиб ўтирган отахону онахонларга дуч келдик. - 15 йилдирки шу ерга келиб

тегишдан ҳузур қилиб яшаётган олимнинг ўзини бундай тетик тутишида санаториянинг ҳам хиссаси бор десак муболағ қилмаган бўлаемиз.

Даврадаги 79 ёшли онахонни ҳам суҳбатга тортаемиз. - Ҳазил-ҳазил ва кўшилари мининг қистови билан атиги бир ҳафтага келган санатория менда шундай катта таассурот қолдиради, деб сира ўйламагандим, - дейди тошкентлик онахон Дуря опа Абдурахмонова. - Ўзимга қолса буни республикадаги энг яхши санатория деган бўлар эдим. Айниқса, менга бу ердаги булоқ суви жуда ёқди. Фақат озгина муддатга келганимиздан афсусдаман. Худо хоҳласа келаси йил албатта кўпроқ муддатга яна шу қўшнижонларим билан келаман, деб кулади онахон.

Ўтган йили салкам 4 мингга яқин кишининг даволанишига шароит яратиб берган мазкур маскан яна қанчадан-қанча дуою, эътирофларга сазовор бўлди экан. Даволанувчиларни бу даргоҳга жалб этаётган жиҳат фақат шарт-шароит ва қулайликлар десак хато қилган бўлаемиз. Чунки ҳаммани бирдай ўзига тортаётган оҳанрабо, аслида шифо масканидаги ишчи-ходимларнинг ширин муомаласи, ўз ишига виждонан, меҳр-муҳаббат билан муносабатда бўлаётганлиги, раҳбариятнинг, бир сўз билан айтганда соҳага алоқадор барча масъул ходимларнинг ўз ишига масъулият билан ёндашаётганлигидадир.

Бу ишлар айтишгагина осон. Аслида, буларнинг тагида қанчадан-қанча меҳнат, заҳмат ва фидойилик ётибди. Санаториянинг ютуғи ҳам ушбу даргоҳда ана шундай фидойи инсонларнинг фаолият юритаётганлигидадир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мазкур хайрли ишларни амалга оширишда санатория директори, олий тоифали врач Нўмонжон Мўйдинов ҳамда ЎзМТДПнинг фаол аъзоси, халқ депутатлари туман кенгаши депутати Абдуллаҳон Қаландаровнинг хиссаси катта.

Орадан йиллар ўтиб, «Косонсой» сиҳаттоғи нафақат республикада, балки дунё миқёсидаги санаториялар билан ҳам рақобатлаша оладиган сиҳаттоғга айланади, деб умид қилаемиз. Ва бунинг учун барча асослар бор деб ўйлаймиз.



қанча шифобахш санаториялари билан ҳам машҳурдир.

«Косонсой» санаторияси бир неча йилдирки, нафақат вилоятда, балки республикада ҳам ўз нуфузига эга дам олиш маскани сифатида эътироф этиб келинмоқда. Шунданми, унга бўлган талаб йилдан-йилга ортиб, даволанувчилар сони ошиб бормоқда. «Косонсой» сиҳаттоғи кўп соҳали ихтисослашган шифо маскани бўлиб, денгиз сатҳидан 943 метр баландликда, Чотқол тоғ тизмалари этагидида, Косонсой дарёси бўйида жойлашган. Санаторияда 250 ўринли ошхона, маданият уйи, ётоқхона ва даволаш бўлими мавжуд. Шинам, озода, ёзда салқин, қишда иссиқ санатория барча қулайликларга эга бўлиб, йил бўйи иссиқ ва совуқ сув билан таъминланган. Асосий даволаш омилли климат ва табиий маъданли сувдир. Табиий минерал сув истеъмол ҳамда минерал ванналар қабул қилиш йўли билан беморларни даволашда ишлатилади. Шунингдек, санаториянинг физиотерапия бўлимида физиотерапия аппаратларидан статдуч, дарсонли-

электромассаж, галвана балчиқ, электрофарез, сув ости массажи, ванна, айлана душ, ГАИ, инакларни ювиш ҳамда гинекологик касалликларни даволаш хоналари мавжуд. Фитобарда 20 га яқин доривор ўсимликдан 5 хил шифобахш дамлама-чай тайёрланади. УЗИ, ЭКГ, клиник лабораториялар, умуман, барча даволаш хоналари энг сўнгги русумдаги замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган. Озодлик тиббиёт соҳасида энг муҳим шарт ҳисобланади. Қувонарли жиҳати, санатория мамырияти бунга катта эътибор билан қарайди. Шунданми, ҳаммаёқ чинидай тоза, ташқари ҳовли, айниқса, ошхоналарда ораситалик яққол кўзга ташланади. Сердарахт, соя-салқин сиҳаттоғ ҳовлисида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, биноларни таъмирлаш ишларига қай даражада аҳамият берилётганлиги билан қизиқдик. 2006 йилда Ўзбекистон Касаба Уюшмалар Федерацияси Кенгаши томонидан даволаш бўлимини қайта таъмирлашга 131 млн. сўм маблағ ажратилган. Таъмирлаш натижасида

қўшимча 25 ўрин ажратилган. Шу қаватда 3 та массаж, ЭКГ ва игна билан даволаш хоналари ташкил этилди.

2007 йилда санатория худудини ободонлаштиришга 6 млн. сўм, худуддаги эски биноларни қайта реконструкция қилиш ишларига 70 млн. сўм маблағ сарфланган, қўшимча 20 та ўрин учун шароит яратилди.

2008 йилда учта «люкс» мақомидаги оилавий коттеж ташкил қилиниб, УзКУФК маблағлари ҳисобидан 60 млн. сўм, санатория бюджетидан 118800,0 минг сўм, ободонлаштириш учун 5200,0 минг сўм маблағ сарфланди. Тўғри, республикада санаториялар кўп, лекин улар орасида «Косонсой» сиҳаттоғининг ўз ўрни бор. Фикримизни исботлаш учун яна далилларга мурожаат қилаемиз.

«Косонсой» сиҳаттоғи 2005 йилда республика миқёсида ўтказилган «Йилнинг энг яхши санаторияси» кўрик-танловида фахрли биринчи ўринни олган, Ўзбекистон КУФК курортлар бошқармасининг 1 даражали дипломи, медали ҳамда қиммат-

дам оламан, даволанман, - дейди Андижон Давлат университети хорижий тиллар кафедраси бўлим бошлиғи, доцент Шаҳобиддин ака Қосимов. - Биласизми нимага, биринчидан, бу ерининг ҳавоси жуда ёқимли. Тоза ҳаво танга даво деб бежиз айтишмаган. Кўп санаторияларда бўлганмиз. Лекин уларнинг ҳеч бири хизмат кўрсатиш сифати ва бошқа жиҳатдан «Косонсой» сиҳаттоғидан ўта олмайди. Бу ердаги кислородга тўйинган ҳавонинг мен хатто, Кисловодскда жон топа олманман. Яхши сўз жон озғи. Биз йил 12 ой шу ерга талинаемиз. Нима учун, чунки ўша жон озғини шу ердан топамиз. Мени хурсанд қиладиган жиҳат бу ердаги ишчи-ходимларнинг хушмуомала эканлигида. Шу ерга келиб 1 ой даволаниб кетсам, йилнинг қолган 11 ойи ўзимни тетик ва бардам ҳис қилиб юраман.

75 ёшли бу отахоннинг сўзларига қулоқ тутар эканмиз, ундаги гайрат ва шижоатни қўриб, тўғриси хавасимиз келди. Ҳамон фаолиятда, табаррук ёшда бўлса ҳам эл-юртга нафи

ростлаётган кенг кўча ва ҳибонлар, осмонўпар иншоотлар шоирга чексиз илҳом бағишлайди.

Хайкаллар, хайкаллар ўй суриб турар. Амир Темур бобом от миниб келар. Кўҳна ва навқирон Тошкентнинг Ислол маданияти маркази деб эълон қилинган ҳамон эсимизда. Айни шу даврда қад ростлаган Ҳазрати Имом мажмуи нафақат бош кент, балки мамлакат фуқароларининг фахр-ифтихорига айланади қолди.

Ташаббус кўрсатди юрт Президенти, Қурилди «Ҳазрати Имом» масжиди, Кўш гумбаз қошона шаҳарнинг кўрки, Кўркингга кўрк қўшар бинолар, Тошкент!

Чарх урар тепангда хумолар, Тошкент! Хулоса сифатида айтиш жоизки, бу дoston Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига муносиб тўхфа бўла олади.

Улуғбек МАМАТОВ

ТОШКЕНТ – 2200

Муносиб тўхфа

Халқимиз катта тўйларни нишонлаш арафасида турибди. Бу қўшалок байрам – Мустақиллигимизнинг ўн саккиз йиллиги ва севikli Ватанимиз пойтахти Тошкентнинг 2200 йиллигини муносиб кутиб олиш тараддудидир.

Бундай байрамларга одатда ҳар кимнинг ўз совғаси бўлади, албатта. Ҳар бир совға ўзига хос ва қадрлидир. Шулардан бири шоир Абдусайд Нурбоевнинг «Меҳринг бунча иссиқ, онажон Тошкент» достонидир. Пойтахт Тошкентнинг таъри-

фида қанча гапирсак ҳам оз. Лекин шоир шаҳар тарихи, табиати, гўзаллиги, одамларини тасвирлашда ўзига хос ифода услубини топа олган. Достонни ўқиб, кўз олдимга ўзим ўқиб юрган кезларимдаги Тошкент рўй-рост гавдаланди. Айниқса пойтахт Тошкент тўғрисида янги сўз айтиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Лекин шоир ажойиб қиёс ва янги ташбиҳларни ҳис-ҳаяжон билан ифода қилган:

Оналар қўллари мангу беланчак, Унда улғаяди башар, келажак, Улуғлар пойингга гуллар қўяжак, Аркага ярашган Онасан – Тошкент! Уғлим деб, қизим деб ёнасан, Тошкент!

Шоирнинг ўз фикр ва ҳиссиётларини ифодалаш йўли мумтоз шоирлар ёҳуд бахшиларникига ўхшаб кетади. Шоир мисраларида Эргаш Жуманбулбул овозини эшитгандай бўласиз. Асрлар оша сақланиб Истиқлол даврида кўркем қиёфага кираётган маҳаллалар, сўнгги йилларда қад



Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи-назаридан фарқланиши мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун тахририят жавобгарликни ўз бўйига олмайди.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Буюртма — Г-723, Адади — 4196

ЎГИТ

Душмани кимдир — билур ҳар жонивор, Пайқагай ҳар не аломатларки бор.

То кўнгил бирлан кўнгил пайваст экан, Ўртада манзил, масофа не писанд.

Жалолдин РҲМШИ

БИЛАСИЗМИ?

Дунёдаги энг катта шахмат донаси швециялик Матс Алланс томонидан ясалган «қирол» экан. Унинг баландлиги - 4 метр, асосининг диаметри - 1,4 метрни ташкил этади.

Эрамиздан аввалги III-асрда кельтларнинг паризи қабиласи Сита оролига келиб жойлашди ва кичикроқ балиқчилар қишлоғига асос солишди. Кейинроқ қишлоқча шаҳарга айланиб кетади ва Лютетия номи олади. Эрамизнинг 52-йиллида шаҳар римликлар томонидан босиб олинади ва унга «Паризилар шаҳри» номи берилди. Кейинчалик у Парижга айланиб кетади.

Жаҳондаги энг қиммат шаҳар кунчиқар мамлакатнинг пойтахти Токио ҳисобланади. Юқори технологиялар маркази ҳисобланган шаҳарга ташриф буюриш учун анчагина миқдорда маблағга эга бўлиш керак.

Питер Паул Рубенснинг сурати энг қиммат расм ҳисобланади. У 73,5 миллион еврога сотилган.

ТУРФА ОЛАМ

Ҳам фоторамка, ҳам принтер

Кепа компанияси яратган янги фоторамка нафақат расмларни кўришга балки, уни босиб чиқаришга ҳам қодир.

«P71-A2-JP» номли рамка 7-дюйм дисплейда хотирасидаги расм-мойиш этиш лаган расмни принтердан чиқаришга қодир.

Бирок, ана шу пайтда рамкада MP3 форматдаги шўх мусиқа чалинади.



Митти саламандра



«Urspelesper brucei» деб ном беришган. Мутахассисларнинг айтишича, бу митти саламандранинг ўпкаси йўқлиги боис у териси орқали нафас оларкан.

Халқаро тадқиқотчилар гуруҳи, илм-фанга номаълум бўлган, дунёдаги энг митти саламандра турини аниқлашди.

Атиги 26 мм. ҳажмга эга бўлган саламандра олимлар «Urspelesper brucei» деб ном беришган. Мутахассисларнинг айтишича, бу митти саламандранинг ўпкаси йўқлиги боис у териси орқали нафас оларкан.

Ойдан уран топилди...

Япониялик олимлар махсус зонд ёрдамида Ойда уран борлигини аниқлашди.



Мутахассисларнинг таъкидлашича, гамма-диапазон частотасида ишлайдиган спектр метр зонд ёрдамида улар бир қанча маълумотларга эга бўлишган. Ушбу қурилма ёрдамида юборилган маълумотлар асосида эса олимлар ҳар хил кимёвий элементларнинг жойлашиш харитасини тузишган. Урандан ташқари ойдан яна торий, калий, титан, магний, кальций, темир ва кислород миқдори аниқланган.

Суриядаги топилма



Халқаро археологлар гуруҳи Сурия чўлларида 200 минг йиллик тарихга эга бўлган чақмоқтошли тўппи топилган.

Айтишларича, наватдаги қазима ишлари чоғида бу маконда қачонлардир изғиб юрган хайвонларнинг (ёввойи эшак, страус, шер, носороғ) ҳам суяк қолдиқлари аниқланган.

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА тайёрлади

ТАХРИР ХАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Фолиб-шер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммад-жон ҚУРОНОВ, Фафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир: Жалолдин САФОВ

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41 ФАКС: (8-371) 234-69-55, 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ Навбатчи муҳаррир: Исмаил ХУДОЕВОВ Навбатчи: Бехбуд БОТИРОВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 19.00.